

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХУЖАМКУЛОВНА
ЭГАМБЕРДИЕВ АЗИЗБЕК АБДУМАЛИКОВИЧ
ЗОКИРОВА МУХАЙЁ ҒАЙРАТОВНА
ИСКАНДАРОВА ДИЛДОРА МАННОБЖОНОВНА**

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

АНДИЖОН - 2016

Мазкур қўлланма КА-1-004 “Модернизация жараёнида ёшларда инновацион онг шаклланишини илмий-амалий тадқиқ этиш” мавзусидаги давлат гранти лойиҳаси доирасида нашр этилмоқда

Маъсул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Т.Ортиқов

Қўлланма муаллифлари: ф.ф.н., доц. Ф.Юлдашева, А.Эгамбердиев, М.Зокирова, Д.Искандарова

**Такризчилар: ф.ф.н., доц. З.Ҳамидов,
т.ф.н., доц. Ў. Убайдуллаев**

Мазкур қўлланма модернизация жараёнининг моҳияти, модернизациянинг юзага келиши, унинг глобаллашув ва интеграция жараёнлари билан боғлиқлиги, модернизация натижасида инновацион жамиятнинг юзага келиши ва инновацион онг, креативлик шаклланиши масалаларини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, қўлланмада модернизация натижасида қадриятлар трансформацияси ва миллий ўзликни англашнинг аҳамияти ҳамда Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга ошаётган модернизация жараёнларининг хусусиятлари каби муаммоларга ҳам эътибор қаратилган.

Қўлланма АДУ ўқув услубий Кенгаши ҳайъатининг 2016 йил, 27 май 10 сон йиғилишида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган (Баённома № 10).

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети,
2016 йил**

1. Модернизациянинг фалсафий жиҳатлари

Таянч тушунчалар: модернизация, глобаллашув, традиция, интеграция

Жамиятнинг модернизация жараёнини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Модернизация (фр *moderne* - янги, замонавий) маъносини англатади. Модернизм эса унинг ғоялари мажмуасини ва бунинг ғояларни тарғиб этувчи тарафдорларини англатади. Модернизация иқтисодиёт, илм-фан ва технологик тараққиёт натижасида жамият ижтимоий ҳаёти барча соҳаларининг тубдан янгиланиб бориши билан боғлиқ бўлган объектив жараёндир. Модернизациянинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашларга эътибор берсак, уларда асосан модернизация Янги даврда Ғарбий Европада XV11 асрларда фан ва техниканинг тараққиёти натижасида аввал ўзаро алоқадор бўлмаган элементларнинг янги тизимга бирлашуви сифатида юз берганлиги, кейинроқ у бошқа регионларга ҳам тарқалганлиги ва модернизациялашаётган жамият энг аввало, ақлга, билимга ва янги технологияга таяниши эътироф этилади. Кўп ҳолларда модернизация либерализм ғоялари билан боғланади. Жумладан, Ивин А.А.нинг ушбу масала бўйича фикри қуйидагича: “Албатта, модернизация барча жамиятлар ва барча даврларни қамраб олувчи тарихий қонун эмас. У аграр – саноат жамиятдан индустриал жамиятга ўтишни характерлайди ва сўнгги бир неча асрларнинг тенденциясини ифода этади. Бу тенденция XX асрда сезиларли даражада кучайди, аммо ноқулай ҳолатларнинг келиб чиқиши асосида у келажакда пасайиши мумкин (табiiй ресурсларнинг тугаши, аҳоли сонининг ўта кўпайиши, глобал иқтисодий муаммоларни кескинлашуви ва ҳ.к.)” {1, 99}.

Аслида, бундай фикрлар модернизациянинг ҳақиқий моҳиятини ифода этмайди. Чунки модернизацияни жамиятнинг тобора замонавийлашиб бориши сифатида тушунадиган бўлсак, унда айтиш зарурки, модернизация жараёни жамият тарихининг барча босқичларида ҳам интеграция жараёни

билан бир вақтда узлуксиз ва эволюцион тарзда амалга ошиб келган. Фақат у интеграция ва глобаллашув ҳодисасига ўхшаб, дастлаб ҳодиса сифатида намоён бўлган бўлса, кейинроқ ўзининг диалектик тараққиёти асосида мустақил тараққиёт қонунларига эга бўлди ва объектив жараёнга айланди. Унинг объектив жараёнга айланиб бориши босқичма-босқич юзага чиққан бўлсада, бу нарса бир қатор муаллифлар таъкидлаб ўтганларидек, Янги даврга келиб ўзини яққолроқ ифода эта бошлади. Бу нуқтаи назардан у интеграция ва глобаллашув жараёнини бойитди ҳамда уларнинг суръатларини оширди.

Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий ҳаётнинг хусусиятлари, йўналишлари, миллатимизнинг келажагини ўрганмоқчи ва англаб етмоқчи бўлсак, бу масалаларни глобаллашув таъсири доирасида таҳлил этишимиз, уларнинг барча жиҳатлари ва тенденцияларига глобаллашув нуқтаи назаридан ёндошишимиз шарт. Шу нуқтаи назардан модернизация жараёнини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этиш ижтимоий – фалсафий фанлар олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Бу жараёни ўрганишнинг долзарблиги жамиятнинг келгуси ижтимоий динамикасини аниқлаш билан ҳам боғлиқ.

Модернизацияга бағишланган назариялар турлича бўлиб, улар асосан XX асрнинг охирларига келиб кенг ёйила бошлади. Бу назариялар ижтимоий тараққиётнинг босқичларини таҳлил этган ҳолда, шу билан бирга ёнма-ён яшаётган, лекин тараққиётнинг ҳар хил босқичларида бўлган ҳозирги жамиятнинг хусусиятларини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Улар жамиятларнинг ўзига хослиги, турли туманлиги ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни ифода этадилар. Модернизация назариялари доирасида икки хил анъанавий ва замонавий жамиятлар кўрсатилиб ўтилади. “Модернизация” тушунчасининг энг умумий маъноси анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш жараёни сифатида талқин этилади {2;112}.

Модернизация иқтисодиёт, илм-фан ва технологик тараққиёт натижасида жамият ижтимоий ҳаёти барча соҳаларининг тубдан янгиланиб бориши билан

боғлиқ бўлган объектив жараёндир. Демак, умуман олиб қараганда, модернизация жамиятнинг янгиланиб ва ўзгариб боришини ифода этар экан. Ҳар қандай жамиятнинг прогрессив таракқиёти унинг тобора янгиланиб боришисиз мумкин эмас. Шунга кўра модернизация қонуний жараён.

Қайд этиб ўтилганидек, ҳар қандай интеграция унинг таъсирига қўшилган жамиятнинг янгиланиши билан бирга кечади. Интеграциядан мақсад нима? Прогрессив таракқиёт. Интеграцияга кириб бораётган ҳар қандай жамият албатта, унинг таъсирини ўзида сезади, демак, у янада ривожланади. Бу маънода интеграция кўпроқ имкониятни билдирса, модернизация эса ана шу имкониятни амалга ошириш, ундан фойдаланган ҳолда таракқий этишдир. Глобаллашувга нисбатан олинганда модернизация унинг амалга ошишининг ҳам шартини, ҳам усулини англатади.

Модернизациянинг бугунги босқичи асосан Ғарб мамлакатларидаги ижтимоий – иқтисодий таракқиёт билан боғлиқ бўлиб, у XIX асрнинг бошларидан бошлаб, XX асрнинг ўрталаригача давом этди. Модернизация нуқтаи назаридан умумий ҳолда икки хил мамлакатлар ҳақида гапиришимиз мумкин. Улар анъанавий ва замонавий мамлакатлардир.

Энг умумий тарзда бу икки хил мамлакатларнинг хусусиятларини қуйидагича таърифлаш мумкин: анъанавий мамлакатларга жамоавийлик, миллийлик, динийлик, анъаналарнинг устунлиги, жамият аъзоларининг бир-бири билан кучли боғланганлиги каби хусусиятлар хос бўлса, замонавий мамлакатлар янгиликлар учун очиқлиги, жамият ҳаётининг қисман диндан йироқлашуви, замонавий ва демократик қадриятларнинг кенг тарқалганлиги, кишиларнинг ижтимоий фаоллиги ва индивидуализм тамойилларининг устунлиги каби белгилари билан ажралиб туради. Бундан ташқари ҳам замонавийлик, ҳам анъанавий хусусиятларига эга бўлган давлатлар ҳам бор. Жумладан Хитой, Малайзия, Корея, Туркия каби давлатлар бунга мисол бўла олади. Уларда миллий ва маҳаллий қадриятлар билан бир қаторда замонавий қадриятлар, замонавий турмуш тарзи кенг тарқалган бўлиб, бу давлатлар модернизациянинг ўзига хос йўлларида бормоқдалар.

Замонавий жамиятлар очик жамиятдир. Очик жамият тарафдолари ва улар асосланаётган “очик жамият” назариялари кўпроқ бошқа давлатларни Ғарб давлатларидан ўрнатқ олишга ва унинг йўлидан боришга ундайдилар. “Бугун “очик жамият” назарияси иқтисод билан чекланмайди. У Ғарб эмасларни Ғарбнинг мафкуравий, маданий, сиёсий ва молиявий таъсирига тўла очилишга чақиради. Ва бу яна миллий суверенитет, мустақил ривожланиш, миллий манфаатлар каби тушунчаларни бутунлай эскиртирувчи ҳозирги тараққиётнинг енгиб бўлмас объектив тенденцияларини рўқач қилишга асосланади” {3:85}. Бундай назариялар очик ва глобал жамиятнинг альтернативлари йўқ эканлигини ва модернизация Ғарб аниқроғи, Америка модернизацияси сифатида бўлиши зарурлигини ҳар томонлама асослашга ҳаракат қиладилар.

АҚШ нинг бошқа барча мамлакатлардан ҳар томонлама устунлигини асослаб бермоқчи бўлган сиёсатчилардан бири Збигнев Бжезинский ҳисобланади. У Америка маданиятини мақтаб, унга барча эргашаётганлигини алоҳида таъкидлашга интилади: “Бошқалар ўзларининг эстетик қадриятлари ҳақида қандай ўйласалар ҳам, америкача оммавий маданиятнинг жозибаси айниқса, бутун дунё ёшларини ўзига магнитдек тортувчи нур таратади. ... Америка телевидение дастурлари ва фильмлари дунё бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллаган. Америка оммавий мусиқаси ҳам бош ўринни эгаллаган, бутун дунёда америкаликларнинг қизиқишларига, овқатланиш одатларига ва ҳатто кийинишларига тақлид қилишади. Internet тили – инглизча, компьютердаги “суҳбатларнинг” асосий қисми ҳам Америкадан бўлиб, глобал суҳбатларнинг мазмунига таъсир кўрсатмоқда. Ва ниҳоят замонавий билим олмоқчи бўлганлар учун Америка Маккага айланди; тахминан ярим миллион чет эл талабалари Қўшма Штатларга оқиб келмоқдалар, улардан энг қобилиятлиларининг кўпчилиги уйга қайтмайдилар. Америка университетларининг битирувчиларини деярли барча минтақалардаги ҳар бир ҳукуматда топиш мумкин” {4:38}.

Бугунги кунда Ғарб мамлакатларининг тараққиёти ҳақида сўз борганда кўпроқ техника тараққиёти назарда тутилади. Кўп ҳолларда техника

тараққиёти маданият тараққиёти билан алмаштирилади. Ғарб ўзини техника цивилизацияси сифатида идентификация этади. Айрим Шарқ мамлакатлари эса Ғарб маданиятининг салбий томонларидан Ғарбнинг ўзининг таҳликаси ёрдамида ҳамояланишга интилаётганини айтиб, Тойнби мазкур йўлни иродиянчилик, деб атаган эди. Бундай техника эса унинг фикрича, ўзининг маконий - маданий мавқеини алмаштириб, Европа маданиятидан ажралиб қолган “европача маданиятнинг бўлагидир” {3:90}.

Жамият ижтимоий – иқтисодий ҳаётининг модернизациялашиб бориши тобора унинг барча соҳалари янгиланиб бораётганлиги, демократик ва либерал қадриятларнинг тарқалаётганлиги, илм-фан янгиликлари ҳамда янги технология ютуқлари позицияларининг мустаҳкамланиб бораётганини англатади. Бу нуқтаи назардан модернизация жамиятда тўла амалга оширилиши орқали барча соҳаларнинг текис, бир хил тараққиётини таъминлаши мумкин. Лекин мамлакатни техник модернизация қилиш ҳали унинг барча соҳаларини ҳам модернизация қилиш дегани эмас.

Модернизация уч хил шаклда: тўла модернизация (Ғарбнинг тараққий этган мамлакатлари, Япония), Ғарб модернизациясининг инъикоси (Туркия) ва тўла бўлмаган (собиқ СССР) модернизация сифатида амалга ошиши мумкин. Ушбу шакллар икки хил йўл билан: ўзининг анъанавий иқтисодий ва маданий - диний қадриятларини замонавий қадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда (Жанубий Корея, БАА, Саудия Арабистони) ва деярли замонавий асосда юзага чиқиши мумкин. Баъзан модернизация жараёнлари ўзига хос тарзда боради. Масалан, Туркияда бир томондан, анъаналарнинг устунлиги, миллий-ахлоқий қадриятларнинг бошқаларига нисбатан аҳамиятлилиги ва диний маданият кучли сақланиб қолгани ҳолда, иккинчи томондан, турмуш тарзи ва кундалик ҳаётда Ғарб турмуш тарзига хос маданиятнинг кенг тарқалганлиги ва унга эргашиш яққол кўзга ташланади.

Демак, модернизация тўла амалга ошмаган мамлакатларда уларнинг миллий ва анъанавий жиҳатлари узоқ давргача сақланиб қолиши мумкин экан. Аммо бу ҳолат уларнинг ҳаёти замонавийлашиш жараёнидан йироқда дегани эмас.

Албатта, модернизация эртами-кечми барча мамлакатларни қамраб олади, лекин шундай бўлсада, бу жараён барча мамлакатларда ўзига хос, зиддиятларга тўла, маҳаллий шарт-шароитлар ва турмуш тарзи ўзига хосликларини акс эттирган ҳолда кечиши мумкин. Модернизациянинг қай даражада муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга ошириши бир қатор иқтисодий, сиёсий, маънавий омиллар ва шу билан бирга уни амалга оширучи субъектив омилларига боғлиқ.

Бизнингча, анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда амалга оширувчи модернизация гуманизм тамойилларига мос келувчи ва миллий маданият ҳамда кадриятларни эҳтиётлаб сақлаб қолишни таъминлайди. “Ўзининг асосидаги модернизация, инъикос этувчи ва эргашувчи модернизациядан фарқ қилган ҳолда, мазкур мамлакатнинг миллий ва цивилизация хусусиятларини, анъаналарини эҳтиёт қилиш, маданий хусусиятлар ва ўзига хосликни ҳисобга олишни тақозо этади” {2:121}.

Модернизация масаласига тарихий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, унинг инсоният тарихининг барча босқичларида ҳам мавжуд бўлган жараён эканлигини англаймиз. Лекин бундай модернизация деярли XX асрга қадар жамиятда иқтисод, саноат, маданият, илм-фан ва янги технологиянинг ривожланиши натижасида объектив жараён сифатида табиий йўл билан кечган.

Ҳозирги даврга келиб бундай модернизациянинг хусусиятлари ўзгарди ва у кўп ҳолларда иқтисодий жиҳатдан кучли давлатларнинг босими орқали амалга оширилмоқда. Турли иқтисодий, маданий ва сиёсий усуллар билан Ғарб давлатлари томонидан мажбурий таъсир остида киритилаётган бундай модернизация ўзининг кескинлик хусусияти билан фарқ қилади. Шу сабабли ҳам “... бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатининг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамиятга эга” {5:116}.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, эътироф этиш мумкинки, ўз қонуниятлари асосида, объектив ва табиий ҳодиса сифатида юз

бераётган модернизация жамият ижтимоий ҳаётининг сифат жиҳатидан тўла қайта қурилиши жараёни бўлиб, унинг натижасида жамият янада мукамалроқ ривожланади: иқтисодий қолоқликнинг тугатилиши, ижтимоий - сиёсий барқарорликнинг юзага келиши, янги технологияларнинг кириб келиши ва унинг асосида субъектив омилнинг янги фаолият йўналишлари шаклланиши юзага келади. Бундай прогрессив жараёнлар эса жамиятда умуминсоний ва демократик кадриятларни ифода этувчи янги маънавий кадриятлар тизимининг таркиб топишига имкон яратади. Албатта, бундай прогрессив ўзгаришлар уларни акс эттирувчи ижтимоий онгда модернизация ва глобаллашувга асосланган янги дунёқараш тизимининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Фалсафий адабиётларда модернизациянинг турли соҳаларда амалга ошаётганлигидан келиб чиқиб, унинг турли шакллари эътироф этилмоқда. Жумладан, К.Юнусов модернизациялашган жамият тўғрисида гапириб, модернизациянинг қуйидаги шакллари кўрсатиб ўтади:

- иқтисодий модернизациялашув;
- сиёсий модернизациялашув;
- ижтимоий модернизациялашув;
- маданий модернизациялашув. {8; 49.}

Кўриниб турибдики, модернизация жараёни инсониятнинг тобора интеграция ва глобаллашув жараёнига кириб боришига замин яратади ва унинг суръатларини тезлаштиради. Демак, модернизация байналминал характерга эга ва у барча соҳалардаги умумжаҳон интеграциясининг ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этади. У ўзида умумий ва миллий жиҳатларни ифодалайди. Модернизация тизимининг таркибида доим миллийликнинг ўзаги бир элемент ёки тизимнинг иштирокчиси сифатида сақланиб қолади. Бу тизимда турли ана шундай “иштирокчи”лар ўзаро алоқадорликда мавжуд бўладилар. Турли субъектив босимлардан ҳоли бўлган модернизация ҳамма миллат ва давлатлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётга хизмат қилувчи омилларни ташувчи бўлганлиги сабабли ҳам прогрессив жараёндир.

Глобаллашув жараёнида турли сабабларга кўра фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган субъектлар - давлатлар ва миллатларнинг ижтимоий ҳаётида давом этаётган модернизациянинг оқибатлари улар учун бир канча зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай давлатлар учун модернизация икки хил муаммоларни келтириб чиқариши мумкин: биринчиси модернизация натижасида кириб келаётган янгиликлар натижасида мавжуд маданият ва анъанавий қадриятлар тизимининг кучли ўзгариб кетиши, иккинчиси мажбурий глобаллашув оқибатида кўп ҳолларда сунъий жихатдан ўтказилаётган модернизация келтириб чиқариши мумкин бўлган муаммолардир.

Модернизация жараёни жамиятнинг синергетик моҳиятга эга бўлган тараққиётини ифодалайди. Унинг оқибатида ижтимоий соҳаларнинг тубдан ўзгариши ва жамиятнинг янги сифатга эга бўлиши кузатилади. Иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий макондаги сифат ўзгаришлари модернизациянинг асосий жихатларини ташкил этиб, дунёқарашнинг, жамият ва борлиққа бўлган муносабатнинг ҳам бутунлай янги моҳият касб этишига олиб келиши табиий. Шу сабабли ҳам модернизация жараёнини бошдан кечираётган мамлакатлар унинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган иқтисодий – сиёсий ҳаётнинг тубдан ўзгаришларига, миллий руҳга эга бўлган маънавий – ахлоқий қадриятлар тизимининг трансформацияга учраш ҳодисасига тайёр бўлиши кераклиги модернизациянинг ўз объектлари олдига қўядиган талабидир. Чунки модернизация натижасида ижтимоий ҳаёт соҳаларида юз берган сифат ўзгаришларининг натижалари ва оқибатлари доим ҳам фақат прогрессив моҳиятга эга бўлавермаслиги аниқ.

Ҳар қандай модернизация тизими доирасида унинг динамик ва статик жихатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ерда динамикани жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига кириб келаётган янгиликлар – новация ташкил этади. Новация бир вақтнинг ўзида глобаллашув жараёнининг асоси ҳисобланган модернизациянинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам ҳисобланади. Демак, ҳар қандай

модернизация ижтимоий-сиёсий ҳаётга янгиликларни кириб келиши ёки жорий этилиши билан боғлиқ бўлади. Модернизациянинг статик жиҳатлари эса жамият тарихида асрдан асрга ўтиб келаётган традициялар (анъаналар) билан боғлиқ.

Модернизация доирасида новация ва традиция диалектик боғланган бўлиб, новациянинг кириб келишига традиция акс таъсир кўрсатади. Бундай акс таъсирнинг белгиларидан бири миллийликдир. Модернизация тизимида мавжуд бўлган бундай қарама - қаршиликнинг диалектикасини фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Модернизациянинг оқибатларидан бири - барча миллатлар ижтимоий – маданий ҳаётининг бирхиллашувлик хусусиятларини касб этиб боришидир. Бу ҳолат ўзининг зиддиятлилиги билан характерланади. Чунки бундай бирхиллашув бир томондан барча миллатлар учун тараққиётнинг бир хил қолипларини тақозо этса, иккинчи томондан, айнан ана шу жараёнлар таъсирида миллий ўзликни англаш, анъанавийликка қизиқиш ва қадриятларнинг миллий ўзакларига қайтиш ва турли қадриятли ориентацияларни излаб топишга интилиш кучайиб боришига олиб келади. Глобаллашув ва модернизация билан боғлиқ бўлган ушбу жараёнларда ҳозирги даврнинг турли қарама-қаршиликлари ва зиддиятлари ифода этмоқда: “...соддалашув ва бирхиллашув эволюция нуқтаи назаридан прогресс эмас, регресс ҳисобланади. Бирхиллашувга қаршилик кўрсатаётганлар ва унинг асосида эрта кириб келган “очиқ жамият” шиорини инкор этаётганлар, аслида шу билан бирга планетамизда плюрализм ва турли-туманликнинг юқори онтологик тамойилларини қўллаб - қувватлайдилар” {3:90}.

Модернизациянинг характери ва ижтимоий йўналиши жамиятнинг маънавий қадриятлар тизими, субъектив омилнинг ахлоқий ва дунёқараш позицияси, ижтимоий фаоллиги каби бир қатор омиллар билан боғлиқ. Ўзининг моҳиятига ва амалга ошиши йўлларига қараб модернизация гуманистик ёки аксинча бўлиши мумкин. Гуманизмга асосланган модернизация жамият ва инсон ҳаётининг тобора тараққий этишига ва такомиллашувига хизмат қилади.

Модернизациянинг салбий жиҳатларига қарши курашда миллийлик қарши тура олиши мумкин. Миллийлик акс таъсирнинг белгиларидан бири. Аммо эътироф этиш лозимки, бундай акс таъсир тўла бузғунчилик хусусиятига эга эмас. Чунки миллийлик модернизация шароитида кириб келаётган ҳар қандай янгилик ёки новацияни миллий қадриятлар, анъаналар ва урф одатлар контекстида “элақдан ўтказди”. Миллийлик кучли бўлган ҳолатларда модернизация жараёнларининг суръатлари пасайиши ҳам мумкин. Модернизация тизимида мавжуд бўлган бундай карама-қаршилиқнинг диалектикасини фалсафий англаб етиш муҳим бўлиб, бу нарса модернизация олиб келиши мумкин бўлган айрим негатив ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин.

Модернизация билан боғлиқ бўлган яна бир масала бор. Баъзан модернизация ҳақида сўз борганда илм-фан, янги технологиялар, иқтисодий соҳа билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган модернизация назарда тутилади. Бундай модернизация тўла бўлмаган, қисман амалга ошувчи модернизация бўлиб, у жамият соҳаларини тўла қамраб олмайди. Бу билан биз илм-фан ва техника соҳасидаги прогресснинг аҳамиятини инкор этмоқчи эмасмиз. Айтмоқчимизки, жамият тараққиёти сциентик моҳиятга эга бўлмаслиги керак. “Фан ва техника прогрессисиз инсоният яшай олмаслиги тушунарли. Лекин инсоният ушбу прогрессга инсоний, гуманистик моҳият бергандагина яшаб кета олади. Балки, тавтологияга ўхшаб эшитилаётгандир. Шундай бўлсада, прогресс гуманистик стратегияга бўйсунishi лозим, у ижтимоий фойдалилик ва адолат, демократия руҳи билан органик сингдирилган бўлиши керак. Унинг якуний мақсади – инсонда мавжуд бўлган имкониятлар ва қобилиятларни тўла, ҳар томонлама ривожлантириш, ҳар бир инсонни соғлом ва муносиб ҳаёт билан таъминлашдир” {6: 90}.

Глобаллашув жараёнида ташаббусни фақат модернизм тарафдорларининг қўлида қолишига йўл қўймаслик, давлатимизнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келувчи прогрессив янгиликларни ўзлаштиришга имкон яратиш модернизмнинг келиб чиқиши мумкин бўлган

салбий оқибатларидан ҳимояланишнинг усулларида биридир. Модернизация шароитида имкони борича бирхиллашув оқибатларини юмшатишга интилан ҳолда унинг миллий қадриятлар асосида миллий янгиланиш ва ижодга асосланган диалогни амалга оширишга тўқинлик қилмаслигига эришиш миллий манфаатларимизни ҳимоя этишнинг йўлларида биридир. Бунинг учун фақат назарий жиҳатлар ва ҳаракатлар билан чекланиб қолмасдан амалда шахснинг, айниқса ёшларнинг ўз-ўзини реализация қила олиши учун имкониятлар яратиш ва бунга боғлиқ ҳолда уларнинг моҳияти жиҳатидан ҳозирги замонга мос келувчи прагматик интилишларини қўллаб – қувватлаш ўринли бўлади.

Жамият тараққиётининг давомийлиги ва чексизлиги ўз-ўзидан унинг келгуси тараққиётида яна қандай тарихий жараёнлар бўлиши мумкинлиги ҳақидаги саволларнинг туғилишига сабаб бўлиши табиий. Бир қатор тадқиқотчи олимларнинг фикрига кўра, ўз ижтимоий ҳаётида модернизация жараёнини бошидан кечирган айрим тараққий этган Ғарб давлатлари ҳозирда ўз тараққиётининг постмодернизм (postmodern society – энг, постзамонавий) босқичига ўтдилар. Энг умумий шаклда постмодернизмни модернизация босқичини босиб ўтган айрим мамлакатларнинг ижтимоий ҳаётига хос бўлган ижтимоий- иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий турмуш тарзи сифатида ифода этишимиз мумкин.

Постзамонавий жамият “ўз ичига анъанани ҳисобга олган ҳолда янгиликка ориентацияни; анъанани модернизациянинг асоси сифатида қўллаш; ижтимоий ҳаётда дунёвий ташкилланганлик, аммо маънавий соҳада дин ва афсонанинг аҳамиятини; ажратилган алоҳидаликнинг аҳамияти ва шу билан бирга мавжуд жамоавийлик шакллари маъқуллаш ва улардан фойдаланишни; дунёқарашлик ва инструментал қадриятларнинг мослигини; ҳокимиятнинг демократик шаклини, аммо сиёсатда авторитетларни тан олишни; самарали ишлаб чиқариш, аммо ўсиш чегараларини чеклашни; анъанавий ва замонавий жамият инсони психологик тавсифномасининг мослигини; ижтимоий

танловнинг анъанавий қадриятли легитимациясини амалга оширишда фандан самарали фойдаланишни” {7: 227} ўз ичига олади.

Постмодернизм модернизм ғояларидан ҳам қисман йироқлашган ҳолда ижтимоий тарақиётда ҳаётда турли-туманлик ва плюрализмни тан олади. Постмодернизм учун модернизм йўналишидаги барча назариялар билан бирга анъанавийликни тарғиб қилувчи назариялар ҳам бирдек тўғри ҳисобланади. Бизнингча, постмодернизмни энг янги янгиликларни тарғиб этувчи оқим сифатида талқин этиш мумкин. “Масалан, Шимолий Америка ҳиндуларининг урф – одатлари ва турмуш тарзи модернизм нуқтаи назаридан қолоқ ва диққатга сазовор эмасдек туюлсада, аксинча, постмодернизмга хос тафаккур стили позициясидан улар энг аввало, эътиборга ва ҳимояга муҳтож. Постмодернизм учун “турлизамонлиликнинг бирзамонлилиги”, яъни ҳозирда мавжуд ҳодисаларнинг кўпи замонавий эмас, лекин шундай бўлсада, уларнинг мавжудлиги фактидан келиб чиқиш, ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг йўқолиши ёки тугатилиши ҳақида гапирмасликни тан олишнинг зарурлиги хос” {7:227}.

Демак, модернизациянинг назарий асослари доирасида таҳлил этадиган бўлсак, постмодернизмга миллийлик ва ўзига хосликни ҳимоя қилиш хусусиятлари, плюрализм кўпроқ хос экан. Жумладан, постмодернизмнинг таълимотчиларидан бири Вольфганг Вельш постзамонавийликни радикал плюрализм ҳолати, деб атайди: “... бизнинг реаллигимиз ва ҳаётий дунёмиз “постзамонавий” бўлиб қолди. Ҳаво маълумоти ва телекоммуникация даврида ҳархиллик шунчалик яқинлашдики, улар ҳамма жойда бир-бирига дуч келмоқда; турлизамонлиликнинг бирзамонлилиги янги табиийлик бўлиб қолди. Симультанликнинг (бирмаконлилик) умумий вазияти ва турли назариялар ва ёндашувларнинг ўзаро киришиши жуда реал. Постмодернизм мана шу муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Бу вазиятни у ўйлаб топгани йўқ, у фақат уни мушоҳада этмоқда. У вақтдан юз ўгираётгани йўқ, уни тадқиқ этмоқда” {2:123}.

Бизнингча, постмодернизм ғоялари ижтимоий ҳаётда турли-туманликнинг, маданий ва ғоявий ранг-барангликнинг тарафдори бўлганлиги сабабли ҳам

прогрессивдир. Гуманистик моҳият асосида намоён бўладиган ва тараққий этадиган постмодернизм барча мамлакатлар ва миллатларнинг манфаатига мос келувчи прогрессив глобаллашувнинг назарий асосларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Умуман олиб қараганда, глобаллашув, модернизация интеграция каби жараёнларнинг назарий асоси либерализмдир. Либерализм энг аввало, эркинлаштириш билан боғлиқ. Либерализмни умумий шаклда жамиятда инсон ҳуқуқи ва эркинлигининг устуворлигини тарғиб қилувчи оқим сифатида қаралиши мумкин. Биз юқорида таҳлил этган жараёнлар жамиятда либерализм илгари сурувчи ижтимоий ҳаёт ва унинг қадриятларини кенгайтиб боришига таъсир кўрсатади. Демак, бу жараёнлар эркинлаштириш билан бирга ва ёнма-ён боради. Ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда субъектив омилларнинг аралашувисиз ҳамда миллатлараро ва мамлакатлараро плюрализм тамойилларига амал қилиш орқали табиий йўл билан амалга ошадиган модернизация ва глобаллашув жамиятнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилади. Натижада бундай жараёнга қўшилган миллатлар ва давлатларнинг тараққиёт суръатлари ошади ва уларнинг ижтимоий ҳаёти эркинлашиб боради. Эркинлаштириш эса жамиятни демократлаштиришнинг муҳим йўналишидир.

Адабиётлар:

- 1.Ивин А.А.Философия истории.М.:Гардарики, 2000.
- 2.Шаповалов В.Ф. Основы философии современности. К итогам XX века. М.: Флинта-Наука, 1998.
- 3.Философия истории.Под ред. Панарина А.С. М.: Гардарики, 1999.

- 4.Бжезинский З. Великая шахматная доска. М., 1999. 38 б.
- 5.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.:Маънавият, 2008.116 б.
- 6.Бессонов Б.Н. Гуманизм и духовное развитие общества. М.:Издательство РАГС, 2006.
- 7.Козловский В.В., Уткин А.И., Федотова В.Г. Модернизация: от рабства к свободе.-Санкт-Петербург.:1995.
- 8.Юнусов К. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг модернизациялашуви жаарёни: моҳияти ва амал қилиш хусусиятлари. АДУ Ilmiy xabarname. 2015. № 1.49 б.

2. Модернизация натижасида инновацион жамият ва инновацион онг шаклланиши

Таянч тугунчалар: онг, инновация, инновацион жамият, инновацион онг,

Модернизация – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида субъектлар томонидан амалга оширалаётган ва бошқарилаётган ислохотлар, илғор янгиликларни жорий этиш жараёни. Модернизация жараёнлари жамият тарихининг барча босқичларида ҳам амалгашиб келган. Модернизация тараққиётнинг шарти. Ҳар қандай модернизациянинг моҳияти жамиятнинг ва миллатнинг прогрессив қадриятлар тизимиға қарши бўлмаслиги, аксинча. унга мос тушган ҳолда замонавий эҳтиёжлар ва талаблар доирасида янада ривожлантириши лозим. Бундай модернизация албатта яратувчилик потенциалиға эға бўлади. Унинг субъектив омиллари бу жараёнға гуманистик ва рационал ёндашган ҳолда аралашилари, зарур бўлганда унинг салбий жиҳатларига қарши чиқишлари керак. Чунки ижтимоий ҳаёт модернизацияси натижасида жамият ҳаёти трансформацияға учрайди. Бу ҳолат бутунлай янги сифатға эға бўлган ижтимоий муносабатлар, маданий ва қадриятли турлитуманлик, маънавият ва дунёқараш тизимининг тубдан ўзгаришини юзаға келтириб, шаклланган миллий турмуш тарзини ва миллий ижтимоий ҳаётни унинг моҳиятиға зид бўлган йўналишға буриб юбориши ҳам мумкин. Унинг оқибатида миллатнинг олдида ўз мақомини ҳимоя қилишгина эмас, миллат сифатида тарихий жараён сахнасида йўқолиб кетмаслик муаммоси пайдо бўлади. Бундай муаммони ҳал этиш кўп жиҳатдан субъектив омилнинг, жамият илғор кучларининг онглилиги ва фаолиятиға боғлиқ.

Ҳар қандай миллат маданиятининг ва анъанавий қадриятларининг асосида шундай ижодий кучлар мавжудки, у модернизация даврида миллий ва цивилизация хусусиятларға, анъаналарға, маданиятға ва ўзига хос турмуш тарзига эҳтиёткорлик билан ёндашилшға, соғлом консерватизм асосида прогрессив ва демократик қадриятларни сақлаб қолишға интилади ва бунинг учун жавобгардир. Бу субъектларнинг модернизация соҳасида амалға оширувчи биринчи йўли. Иккинчи йўли эса бошқа маданиятларға хос бўлган прогрессив хусусиятларнинг анъанавий маданиятға таъсир қилиб уни ўзгартирувчи

усулларнинг энг демократик шакллари излаб топиш ва уларни жорий этишдан иборат.

Жамиятда модернизацияни амалга оширишда амал қилиниши зарур бўлган тамойиллардан бири – қабул қилинаётган янгиликларни у қайси соҳада бўлмасин, маҳаллий маданият ва турмуш тарзининг моҳиятига зид келмаслигини таъминлашдан иборат. Бу соҳада юзага чиққан айрим фарқлар ёки келишмовчиликлар зиддиятли бўлмаслиги лозим. Айниқса, бу нарсани этник жиҳатлар, миллий қадриятлар, миллий эътиқод билан боғлиқ масалаларда тўғри ҳал этиш муҳим. Маҳаллий ижтимоий ҳаёт ва модернизациянинг моҳияти бир-бирига зид бўлган вазиятларда у жамиятни таназзул ҳолатига олиб келиши муқаррар.

Модернизация баъзан ихтиёрий, баъзан босим асосида сунъий амалга ошиши мумкин. Сунъий таъсирнинг оқибатлари жамият ижтимоий ҳаётининг барқарорлигига хавф солади. Бундай йўл кўп ҳолларда жамиятда конфликтли вазиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, миллий онгга ва миллий қадриятларга сунъий йўл билан ташқаридан таъсир қилинган ҳолатда, унинг ҳамоявий функцияси асосий ўринга чиқиши ва унинг трансформацияси негатив хусусият касб этиши оқибатида миллий онг шовинизм томонга, анъанавий қадриятларни ифода этувчи қадриятли онг фундаментализм ёки экстремизм томонига оғиб кетиши ҳам мумкин. Шу сабабли мамлакат ва миллат учун жавобгар бўлган субъектларнинг бундай ҳолларда бутун ижтимоий маъсулиятни ўз зиммасига олган ҳолда, модернизациянинг гуманистик ва мамлакатнинг келажаги учун камроқ зарар келтирувчи, “оғриқсиз” йўллари танлаб олиши муҳимдир. Бу масалада Президентимиз И.Каримовнинг айтган фикрлари методологик кўрсатмадир: “... ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт мезонларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиши, мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланладиган, фаровон турмуш тарзи таъминладиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир. Шу билан бирга, биз халқимизнинг асрий олижаноб

анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий кадриятларимизга доимо содиқ қолишимиз демакдир” {1: 331-332}.

Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий, таълим, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари жамиятнинг тобора инновацион характерга эга бўлиб бораётганлигини англатади. Ҳар қандай модернизация жараёни инновацион жамиятнинг шаклланишига олиб келади, чунки модернизациянинг асоси инновациядир.

“Инновация” тушунчасининг луғавий маъноси янги қарорни англатади. Кўп ҳолларда “инновация” янгилик маъносида ҳам қўлланилади. Инновация яна ва техника соҳасидаги, бошқарув ва меҳнатни ташкил қилиш соҳасидаги янгиликлар сифатида ҳам тушунилади. А. Бегматов инновацияни қуйидагича изоҳлайди: “”Инновация” атамаси фан ёки ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида анчадан буён мавжуд бўлган, лекин ҳозирги кунда бошқа соҳаларда ҳам қўлланилаётган ишланмаларга нисбатан ҳам қўлланилади” {3;40}.

Инновацион жамият ўзининг ижтимоий ҳаётида барча соҳалардаги илғор янгиликларни жорий этаётган, улар асосида ислохотларни амалга ошириб бораётган, ўзгаришларга очик бўлган жамият. Инновацион жамиятда рўй бераётган демократик ўзгаришларни жамият аъзолари, айниқса, ёшлар онгида тўғри акс этиши ва англаниши, шахс омилининг замонавий талаблар асосида фаоллашуви, унинг онгида креативлик (ижодий ёндашув) ва инновацион ёндашувни шакллантиришни тақозо этади. Демак, модернизация жараёни инновацион жамиятни юзага келтирган ҳолда унга мос равишда инновацион онг шаклланишини ҳам талаб этади. Сўнгги вақтларда фалсафий адабиётларда “эркинлаштириш”, “инновацион жамият”, “инновацион онг”, “креативлик” тушунчаларининг кўп қўлланилаётганлиги қайд этилган муаммоларнинг долзарблигини англатади.

Инновацион жамият аъзоларидан ва айниқса, ёшлардан ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари ва замон руҳига ҳозиржавоб бўлиш, креативлик, ўз фаолиятини замон талабларига мослаштира олиш ҳамда жамият тараққиёти истиқболларини олдиндан англаб етиш, бир сўз билан айтганда, инновацион

интенцияга (йўналганлик) эга бўлишни талаб этади. Жамиятда амалга ошиб бораётган инновацион жараёнларни англаб етиш ва акс эттириш бевосита инновацион онгнинг шаклланиши, унинг асосида эса инновацион тафаккурнинг тараққий этиши билан боғлиқ. Инновацион онг инновацион қадриятларга, кўникмаларга, замонавий дунёқарашни акс эттирувчи билимлар тизими ва ориентацияга эга бўлган онгдир. Бундай онгнинг вазифаси тез суръатлар билан кириб келаётган янгиликларни тўғри акс эттириш билан бирга уларни англаб етиш ва яқин келажакнинг хусусиятларини аввалдан кўра билиш ҳамда ўз фаолиятида креативликни шакллантиришдан иборат. Ҳозирги кунда инновацион онгнинг шаклланиши давр талаби ёки ижтимоий зарурат, деб айтиш мумкин. “Инновацион онгнинг муҳим таркибий қисми ва таянчини инновацион тафаккур ташкил қилади. Инновацион тафакуурни шакллантириш ҳозирги кунда мамлакатни модернизациялаш жараёнларининг энг муҳим шартларидан бирига айланмоқда. Мазкур ҳол инновацион тафаккурнинг шаклланиш механизмларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради” {3;41}.

Эътироф этиш лозимки, ҳозирги кунда инновация, инновацион жараёнлар, инновацион онг, инновацион тафаккур, инновацион жамиятнинг шаклланиши ҳамда инновацион жараёнларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш каби масалаларни махсус ўрганувчи инноватика фани шаклланмоқда. Мазкур фаннинг шаклланишини ўзи ҳам аслида фан соҳасидаги инновацион жараён сифатида қаралиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да акс этган маънавий баркамол шахсни тарбиялаш ғоялари ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш тамойиллари айтилган фикрларни инкор этмайди. Демак, инновацион онг бугунги жамият тараққиётининг асоси бўлгани ҳолда ёшларнинг янги демократик қадриятларни англаб етиши, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлик, соғлом консерватизм ва анланган прагматизм руҳида шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Инновацион онг ёшларни ўз фаолиятида тезроқ бирор бир натижага эга бўлиш, ўзини турли соҳаларда синаб кўриш ва ўз потенциални реализация қила олишига имкон яратади ва нафақат маънавий баркамол, балки замон руҳига жавоб бера оладиган шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатади. Ёшларда инновацион онгнинг шаклланиши жараёнида уларнинг янгиликка интилувчанлиги, фаолиятида зудлик билан натижага эга бўлиш (“ҳозир ва шу ерда”) ва янгиликларни қўллашга интилишлари, нисбатан бесабрлиги, прагматизмга мойиллиги, уларнинг онгида индивидуализмнинг кучлилиги, янги ахборот технологиялар, Интернет билан ўта қизиқишлари каби масалаларни фалсафий таҳлил этиш назарийгина эмас, амалий аҳамият ҳам касб этади. Демак, ёшларда инновацион онгнинг шаклланиши янгича ёндашув, креативлик, изланиш, янгиликка интилиш, альтернатив ёндашув каби хусусиятларнинг улар учун илғор кадриятларга айланишига ёрдам беради. Бу борада ёшларни модернизация жараёнлари натижасида кириб келаётган янгиликларнинг асосий истеъмолчиси эканликларини албатта, ҳисобга олиниши шарт. Бугунги мутахассиснинг тезкор ўзгаришларга мослаша олиши, мустақил изланиши, янги демократик кадриятларни англаб етиши, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош шахс сифатида шаклланишида инновацион онг катта рол ўйнайди.

Сўнгги вақтларда мутахассислар “креативлик” тушунчасини кенг қўлламоқдалар. Креативлик, ҳар бир соҳада ижодий ёндашув инновацион онгнинг хусусиятларидан бири. Инновацион онгнинг шаклланиши моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб бораётган ҳар бир мутахассис, айниқса, кадрлар тайёрлаш тизимида фаолият олиб бораётган кадрлар олдида бугунги кун талаблари асосида янги демократик кадриятларни, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош шахсни тарбиялашнинг инновацион жиҳатларини англаб етиш, ёшларни замонавий кадриятлар тизими асосида замон талабларига тўғри йўналтира олиш каби талабларни қўяди.

Бундай жараён эса ҳар бир шахсдан ўз фаолиятида креативлилик, яъни барча соҳаларда янгиликларни жорий этиш, ўз фаолиятида янги усулларни излаб топиш, бир сўз билан айтганда, ижодий ёндашувни талаб этади. Қайси

соҳада бўлмасин, креативлилик шахсдан фаолиятига янгиликларни жорий этиш билан бир қаторда бажараётган ишида инновацион технологияларга нисбатан ҳозиржавоб бўлишни тақозо этади. Креативлилик шахсдан бажараётган ишида албатта, бирор бир натижага эга бўлишга ва ўзини турли соҳаларда синаб кўришга ва ўзини ўзи реализация қила олишига имкон яратади. Албатта, бундай хусусиятларга эга бўлган мутахассислар, айниқса, таълим тизимида, тарбиялаётган ёшлар ҳам замон руҳига жавоб бера оладиган шахс бўлишга интилиши табиий.

Эътироф этиш лозимки, аслида таълим тизимида ёшлар билан фаолият олиб бораётган педагог ўз хоҳишидан қатъий назар уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олишга мажбур. Юқорида айтиб ўтилганидек, жамият аъзолари қаторида ёшлар алоҳида ўрин эгаллагани ҳолда, улар ҳар қандай инновациянинг энг фаол истеъмолчиси ҳамдир. Бу ҳолат таълим тизимида фаолият юритаётган мутахассислар олдида ёшлар билан бир қадамда бўлишни, улар тобора тезроқ ўзлаштираётган янгиликларни англаб етишни, бу маънода улар билан “ҳамнафас” бўлишдек талабларни қўяди. Демак, бугунги кунда ёшлар билан фаолият олиб бораётган мутахассислар куйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- замон билан ҳамнафас бўла олиши;
- ўз билимини эҳтиёжлардан келиб чиқиб муҳим восита сифатида қўллай олиши;
- замонавий ахборот технологиялари ва чет тилларини билиши;
- ўз фаолиятини ва ўзини тез ўзгариб бораётган замон талаблари асосида ўзгартира олиши ва янгиликларга мослаша билиши;
- ёшларнинг қизиқишларини ҳис эта билиши ва ҳ.к.

Юқорида қайд этилганлар ёши катта мутахассисларни замонга мослашувчан бўлишини, бунинг учун эса креативлилик, изланишлар, янгича ёндашувлар, тинмай ўз устида ишлаши, янгиликларни қўллай олиши каби хусусиятларга эга бўлишга интилишини талаб этади. Демак, замон талабларига мослашувнинг асосий йўлларида бири бу янгича ёндашув,

креативлик, изланиш билан боғлиқ бўлиб, бундай хусусиятлар ҳар бир мутахассиснинг фаволиятида кадриятлар тизимига айланиши лозим. Чунки бундай жараён янгиликнинг жорий этилиши, фаолиятда янгича усулларни қўлланилиши, илғор кадриятларни кириб келиши каби натижаларга олиб келади. Демак, креативлик инновацион онг шаклланишининг асосий жиҳатларидан бири экан.

Ёшларда инновацион онгнинг шаклланиб бориши жараёни Ўзбекистонда маънавий устуворлик, миллий тарихимизга ва кадриятларга асосланган ҳолда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва модернизацияни амалга ошириш тамойилларига мос келади.

Асрлар давомида жамиятнинг ижтимоий онгини белгилаган, маълум ориентациялар ҳосил қилган, маънавий ва ахлоқий соҳанинг асосини ташкил этувчи кадриятларнинг бугунги трансформацияси жамиятда амалга ошаётган модернизация жараёнлари ҳамда инновацион онгнинг шаклланиб боришига бевосита алоқадор. Демак, шунчаки инновацион онгина эмас, айнан миллий руҳга эга бўлган инновацион онгнинг шаклланишини фалсафий таҳлил этиш муҳимдир. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошаётган модернизация жараёнлари мамлакатимиз мустақилликка эришгач танлаб олинган тараққиёт йўлининг миллий маънавий устуворлик, миллий тарихимизга ва кадриятларга асосланиш, толерантлик каби тамойилларига ҳам мос келади.

Модернизация жараёнларининг натижасида ижтимоий соҳаларнинг тубдан ўзгариши ва жамиятнинг янги сифатга эга бўлиши кузатилади. Модернизация ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида субъектлар томонидан амалга оширалаётган ва бошқарилаётган ислохотлар, илғор янгиликларни жорий этиш жараёни. Иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий макондаги сифат ўзгаришлари модернизациянинг асосий жиҳатларини ташкил этиб, дунёқарашнинг, жамият ва борлиққа бўлган муносабатнинг ҳам бутунлай янги моҳият касб этишига олиб келиши табиий. Шу сабабли ҳам модернизация жараёнини бошдан кечираётган мамлакатлар унинг оқибатида юз бериши

мумкин бўлган иқтисодий- сиёсий ҳаётнинг тубдан ўзгаришига, миллий руҳга эга бўлган маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг трансформацияга учраш ҳодисасига тайёр бўлиши кераклиги модернизациянинг ўз объектлари олдида кўядиган талабидир. Чунки модернизация натижасида ижтимоий ҳаёт соҳаларида юз берган сифат ўзгаришларининг натижалари ва оқибатлари доим ҳам фақат прогрессив моҳиятга эга бўлавермаслиги мумкин.

Модернизациянинг қуйидаги умумий хусусиятларини айтиб ўтиш зарур:

- модернизация объектив ва қонуний жараён;
- модернизация интеграция ва глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ;
- модернизация тарихий тараққиёт билан ёнма-ён кечган;
- модернизация инновацион жамият шаклланишига таъсир этади;

-инновацион жамиятнинг шаклланиши унинг аъзоларидан, айниқса ёшлардан жамиятда амалга ошаётган модернизация жараёнларини тўғри акс эттирувчи ва унга жавобан ўз амалий ҳаракатларини янги талаблар асосида ташкил этувчи инновацион онгга эга бўлишни тақозо этади;

-келажакда модернизация жараёнларини ўрганувчи “модернистика” фани юзага келиши табиий ва ҳ.к.

Ҳар қандай модернизация тизими доирасида унинг динамик ва статик жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ерда динамикани жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига кириб келаётган янгиликлар – новация ташкил этади. Новация бир вақтнинг ўзида глобаллашув жараёнининг асоси ҳисобланган модернизациянинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам ҳисобланади. Демак, ҳар қандай модернизация ижтимоий-сиёсий ҳаётга янгиликларнинг кириб келиши ёки жорий этилиши билан боғлиқ бўлади. Модернизациянинг статик жиҳатлари эса жамият тарихида асрдан асрга ўтиб келаётган традициялар (анъаналар) билан боғлиқ.

Модернизация доирасида новация ва традиция диалектик боғланган бўлиб, новациянинг кириб келишига традиция акс таъсир кўрсатади. Аммо эътироф этиш лозимки, бундай акс таъсир тўла бузғунчилик хусусиятига эга

эмас. Жумладан, миллийлик кириб бундай акс таъсирнинг белгиларидан бири миллийликдир. Чунки миллийлик модернизация шароитида кириб келаётган ҳар қандай янгилик ёки новацияни миллий кадриятлар, анъаналар ва урф одатлар контекстида “элакдан ўтказди”. Миллийлик кучли бўлган ҳолатларда модернизация жараёнларининг суръатлари пасайиши ҳам мумкин. Модернизация тизимида мавжуд бўлган бундай карама-қаршилиқнинг диалектикасини фалсафий англаб етиш муҳим бўлиб, бу нарса модернизация олиб келиши мумкин бўлган айрим негатив ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин.

Миллийликнинг асосий белгиларидан бири миллий онгдир. Миллий онг анланган онг. Миллий ўзликни анлаш ўзини баҳолаш ҳамдир. У анланганлиги туфайли ҳам барқарор ҳисобланади. Барқарорлик эса маълумки, ўзини ҳимоя эта олиш қобилятига эга. Миллий онгнинг таркибида қандай элементларга кўпроқ эътибор қаратилиши зарурлиги масаласини тўғри ҳал этилишининг аҳамияти айниқса, модернизация жараёнида муҳим ҳисобланади. Унинг қайси жиҳатлари асосий бўлиши ва у қандай йўналган бўлиши кераклиги ҳақида савол туғилади. Бу соҳада фақат миллий тарихий кадриятлар билан ёки аксинча, замонавий илғор кадриятлар билан чекланиб қолиш нотўғри бўлади.

“Мамлакатда фуқаролик дунёси ва миллий келишув сиёсатини олиб боришга имкон яратувчи бошқа турдаги ижтимоий онгни ташувчиларнинг ғоялари, қарашлари ва кадриятлари билан кенг мулоқот қобилятини кўрсата олган онггина тарихий истиқболга эга бўлган ижтимоий онг бўла олади. У тарихий истиқболга эга бўлиб, мамлакатда ижтимоий, маънавий ва мафкуравий бирликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади” {2;17}. Миллий онгни ижтимоий онгнинг бошқа турлари билан ҳамда модернизация натижасида кириб келаётган турли маданият ва кадриятлар билан мулоқот қила олиши унинг келажак тараққиёти учун кенг имкониятлар яратади. Бу борада миллий онгдан ўзгача маданият ва кадриятларни акс эттириш билангина чекланиб қолмасдан улар билан мулоқот қила олиш потенциалига ҳам эга бўлиши талаб этилади. Демак,

модернизация шароитида янгиланиб бораётган инновацион онгнинг миллийлик хусусиятларидан йироқлашиб кетмаслиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, модернизация интеграция ва глобаллашув жараёнлари билан ўзаро алоқадорликда амалга ошади. Ҳозирги даврда барча давлатлар ва миллатларнинг ижтимоий ҳаётида юз бераётган ҳодисаларга уларнинг динамикаси ва тенденциялари таъсир кўрсатади. Уларнинг ривожланиш динамикаси ва тенденцияларига ўзгарувчанлик, баъзан зиддиятчилик хос бўлиб, бу нарса қайд этилган жараёнларнинг кутилмаган янги хусусиятлари ва ҳозиргача номаълум бўлган қирраларининг келиб чиқишида яққол акс этмоқда.

Модернизация, интеграция ва глобаллашув жараёнларининг моҳияти ва хусусиятлари бошқа ижтимоий ҳодисаларга нисбатан ўзгарувчан ва кенг камровли бўлиб, ривожланиш суръатлари мунтазам тезлашиб боради. Жумладан, модернизациянинг бундай кучли динамикаси унга алоқадор бўлган жиҳатларни тобора ўзгариб, алмашилиб ва кўпайиб бораётганида кўринади. Ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасида бўлмасин юз бераётган ўзгаришлар ва ҳодисалар у ёки бу тарзда модернизация ёки интеграция жараёнларига алоқадор. Чунки ҳозирги даврда жаҳон мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётлари шу даражада боғланиб кетдики, бундай улкан боғланишни мегатизим сифатида эътироф этиш ҳам мумкин.

Фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш давомида уларнинг янги қирралари очилмоқда, моҳиятини янада тўлароқ акс эттириши мумкин бўлган янги тушунчалар, категориялар, унинг доирасида янги хулосалар пайдо бўлмоқда. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, глобалистика ёки модернистика қамраб олган тадқиқот объектларининг тобора кенгайиб бориши, айрим йўналишлари ва конкрет мавзуларининг ўзгариб бориши табиий. Бу жараёнлар кучли синергетик хусусиятга эга эканлиги сабабли ҳам бу соҳада тўпланган билимлар ўзининг янгиликларга очиқлиги, ўзгарувчанлиги ва доимий кўпайиб бораётганлиги билан фарқланади. Сўнгги 10-20 йиллар ичида шаклланган глобалистика ёки шаклланаётган модернистикага эътибор берсак, бу соҳаларда

ёндашувларнинг хилма-хиллиги, концепцияларнинг кўплиги мазкур жараёнларнинг серқирра ва зиддиятли эканликларини ифода этишини англаймиз.

Модернизация жамият барча ижтимоий ҳаёти ва ҳодисаларининг атрибутига айланди. Айтиш мумкинки, ундан ташқарида ижтимоий ҳодисалар қолмади. Бир томондан, барча давлатлар ва миллатларга тааллуқли бўлган ҳар қандай ижтимоий ҳодиса у ёки бу тарзда модернизация жараёнига алоқадор бўлиб, унинг натижалари ва оқибатларини турли микёсда ўзида акс этдиради. Иккинчи томондан, модернизация натижасида юзага чиқаётган ҳар қандай ҳодиса ҳам мазкур миллатлар ва давлатларнинг ҳаётига таъсир этади.

Жамиятда амалга ошаётган модернизация жараёнининг потенциали турлича бўлиши мумкин. У консерватив хусусиятга эга бўлиши, мослашувчан бўлиши ёки инновацион потенциалга ҳам эга бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда модернизация жараёнида бу қайд этилган хусусиятларнинг элементлари биргаликда қатнашишлари ҳам мумкин. Бундан ташқари бу жаарён реформаторлик хусусиятларига эга бўлиши ҳам кузатилади. Тажриба шуни кўрсатадики, бу усулларнинг барчаси ҳам бир вақтнинг ўзида қўлланилиши мумкин. Бу нарса модернизациянинг объекти нима ва қандайлиги ҳамда танлаб олинган усулнинг қай даражада қўл келиши билан боғлиқ. Масалан, фан ва техника соҳаси ҳамда иқтисодий соҳада кўпроқ инновацион потенциал қўл келса, миллий маънавий ҳаёт ва миллий маданият соҳасида консерватив ва эволюцион хусусиятга эга бўлган ёки мослашувчанлик элементлари бор усуллар қўл келади. Аммо бу маънавият ва маданият соҳаларида модернизация жараёни амалга ошмаслиги керак, дегани эмас, албатта.

Модернизациянинг қандай потенциалини танлаш ва ундан фойдаланиш модернизация жараёнини амалга ошираётган субъектларга боғлиқ. Жумладан, бозор иқтисодиётига йўналтирилган иқтисодий соҳа, илм, фан ва техника, ахборотлаштириш соҳаларининг субъектлари албатта, инновацияларга асосланган потенциалга эга бўлишлари муҳим. Чунки бу жараён

мамлакатнинг нафақат ички иқтисодий алоқалари ва тараққиёти, балки ташқи иқтисодий алоқаларининг тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Юқорида модернизация натижасида шаклланаётган инновацион жамият ва инновацион онг тўғрисида фикр юритилди. Модернизация натижасида глобал маконнинг шаклланиб бориши ўз навбатида глобал онгнинг ҳам юзага келишини тақозо этади. Демак, бу соҳада юзага келган ва ҳал этилиши зарур бўлган долзарб муаммолардан яна бири глобал онг муаммосидир. Унинг асосида глобал дунёқараш ётади. Бундай дунёқарашнинг ўзагини глобал онг ташкил этади. Бундай онгнинг структурасини ижтимоий руҳият, аксиологик онг, инновацион онг ва креатив онг ташкил этади. Бундай онг фаолиятининг натижаси эса:

- модернизация жараёнларини акс эттирувчи фаразлар, ғоялар ва ҳулосалардан;
- янги шароитда танлаб олинган ва баҳоланган инновацион кадриятлардан;
- юқоридагилар асосида глобал дунёқарашни шакллантиришдан иборат бўлиши лозим.

Бундай онгнинг юзага келиши объектив ҳамда қонунийдир. Унинг асосий функцияси глобал ўзгаришлар, модернизация жараёнига мос келувчи ва ўз вақтида уларга жавоб бера янгиланаётган ва дунёқарашни акс эттиришдан иборат. У ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятлари иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда юз бераётган янгиликлар ва ўзгаришларни, турли цивилизациялар, маданиятлар, кадриятлар алоқадорлиги ва бир-бирига муносабатининг турли қирралари, зиддиятлари, динамикаси ва тенденцияларини ўзида акс эттириши зарур. Бундай онгнинг хусусияти унинг янгиланиб бораётганлигида, функцияси эса модернизация ва глобаллашув оқибатида келиб чиқаётган ва миллатнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига салбий таъсир этиши мумкин бўлган айрим ҳодисаларни илгаридан фараз қилган ва ҳис этган этган ҳолда, уларни тўғри акс эттира олиши, уларни реал баҳолаб, зарур фаразлар беришдан иборат. Демак, ундан лозим бўлганда, миллий

маънавий ҳаёт ва қадриятларни ҳимоя этиш потенциалига эга бўлиш талаб этилади. Яъни глобал онг олдига глобал ҳодисаларга фаол ва ижодий ёндашган ҳолда “хавфли вазиятларда” ўз потенциалини ишга сола билиш қобилиятига эга бўлиши ҳамда муаммоларни талаби қўйилади. ҳал этиш механизмларини таклиф этишдан иборат.

Модернизация жараёнларини акс этаётган онг шахсни маълум фаолиятга етаклаш, шахсни глобаллашув динамикаси ва тенденцияларига нисбатан муносабатини (уларга рози бўлиш, улар билан келишиш ва мослашиш ёки зарур бўлганда, уларга қарши курашиш) ифода этади.

Жамият ва унинг субъектлари тараққиётида инновацион онгнинг хусусияти оптимизм, рухий кўтаринкиликдан иборат бўлиши, ўзи эса оптимистик интенция (онгнинг йўналиши, мойиллиги) ва позитивлик (ижобийлик) асосига қурилган бўлиши жамиятнинг маданий – маънавий тараққиётида катта аҳамиятга эга. Бу нарса инсонга гуманистик очиклик, бағрикенглик ва шу билан бирга ўз манфаатлари доирасида прагматизм ва эҳтиёткорлик, негативлар доирасида позитивни излаб топиш, инновацион янгиликларни тез ўзлаштира олиш, мослашув ва ҳимоя қила олиш қобилиятларига эга бўлишига имкон яратади.

Инновацион онг модернизация натижаларини ўрганиб борган ҳолда уларга танқидий қараш билан бирга уларни жамиятнинг прогрессив тараққиёти учун ижобий томонга йўналтиради. Шу билан бирга ўзи ушбу ўзгаришлар ва тенденциялардан орқада қолиб кетмаслиги, аксинча, ушбу ўзгаришларга ижодий ёндашган ва улардан ўзиб кетган ҳолда ўзгаришларни илгарироқ акс эттира олиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновацион онгнинг шаклланиб бориши икки жиҳатни ўз ичига олиши мумкин: биринчидан, унга асос бўлиб хизмат қилувчи қадриятлар таркибининг тубдан ўзгариши ва иккинчидан, модернизация натижасида кириб келаётган янги қадриятлар ҳисобига унинг иерархияси ўзгариб бориши мумкин {4}. Шундай қилиб, модернизация жараёнида қадриятлар трансформацияси ва унга

мос равишда қадриятли онг ҳам ўзгариб тобора замонавийлашиб ва глобал хусусиятга эга бўлиб борар экан.

Онгнинг таркибини ташқаридан мажбурий ўзгартиришга ҳаракат қилинганда, бу ҳолат унинг таркибида салбий трансформация юз беришига олиб келади. Бундай вазиятда онг ўз моҳиятини ўзгартириб, “...максимализм ва экстремизм хусусиятига эга бўлган ва конфликтли вазиятларни акс эттирибгина қолмасдан, уни кескинлаштиришга ҳам қодир бўлган агрессив миллий онгга айланиши мумкин. Чунки у қанчалик оддий (примитив) бўлмасин (“ёт маданият” вакилларига нисбатан душманлик шиори, “биз-улар” масаласини кескин қўйилиши), “душман қиёфаси” оммавий онгда тез ўз ифодасини топади” {5; 77-78}.

Инсоннинг бошқа маданиятга, табиатга, тарихга ва умуман жамият ҳаётига муносабати масаласи модернизация даврида янгича ёндашувни талаб этади. Онгнинг шакли қандай бўлишидан қатъий назар, у глобал онг бўладими ёки инновацион онгми, миллий онгми, унинг марказида турган асосий муаммо – тобора замонавийлашиб ва янгиланиб бораётган бораётган дунёда инсон, унинг ўрни, маъсулияти ва мақсадлари муаммосидир. Барча ҳаракатларнинг марказида инсон қадри турган ҳолда жамиятдаги барча ҳаракатлар ва интилишлар унинг ҳаётини яхшилашга қаратилгандир. Модернизациянинг барча ютуқлари, имкониятлари ва ижобий тенденциялари инсон келажагини яхшилаш учун йўналтирилишига эришиш ҳар қандай мамлакатнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилади.

Модернизациянинг демократияга ва гуманизмга мос бўлган жиҳатларини ривожлантириш лозим. Унинг салоҳиятида бузғунчиликдан кўра кўпроқ яратувчилик динамикаси мавжуд. Ушбу яратувчилик динамикаси тараққиёт асосларидан бири бўлган янгиланишга қурилган. Модернизациянинг табиий йўл билан бориши ва ундан манфаатдор субъектларнинг асосий вазифаси унинг гуманистик ва прогрессив жиҳатларини ривожлантириш, бу жараёни прогрессив томонга йўналтириш, модернизация олиб келаётган ҳодисаларнинг позитив жиҳатларини излаб топиш уларни миллий тараққиёт тамойиллари ва талабларига

ҳамда миллий эҳтиёжларга мослаштириш жамият етакчи субъектларинининг албатта, маъсулиятли вазифасидир.

Модернизация жараёнида муҳим рол ўйнаган омиллардан бири бу ахборот инқилобидир. Ахборот инқилоби эволюцион йўл билан босқичма-босқич ва инсониятнинг тараққиёти билан тенг ҳолатда борди. Бу инқилоб инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ва имкониятларини тубдан ўзгартириб юборди. У бир неча босқичларни босиб ўтди: тилнинг келиб чиқиши, ёзувнинг кашф этилиши, китоб нашр этилиши, радио ва телевидениенинг ташкил топиши ва тарқалиши, ҳамда охириги босқич - компьютер, мультимедиа ва Интернетнинг кашф этилиши {6; 377-378}.

Албатта, бундай инқилоб ўзининг муаммоларини ҳам олиб келди. Чунки инновацион онгнинг шаклланиш жараёни ва бу жараённинг ривожланиш суръатлари унинг ҳимоя механизмининг глобал ўзгаришларни англаш, уларга мослашиш ва зарур бўлганда уларга қарши кураш борасида фаолият олиб бориш суръатларидан тезроқ бормоқда. Бундан ташқари инновацион онгнинг ижтимоий-маданий ҳаётда юз бераётган тубдан ўзгаришларга нисбатан реакциясининг суръатлари ҳам бундай ўзгаришларнинг ўзига нисбатан орқада қолмоқда. Айниқса, миллий онгнинг ва миллий қадриятлар тизимининг модернизация жараёнларига мос равишда “жавоблари”нинг шаклланиши ёки аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг глобал замоннинг талабларига ва саволларига “ҳозиржавоблиги” ҳам нисбатан орқада.

Инновацион онгнинг шаклланиш жараёни ҳам ўз-ўзидан ва қаршиликларсиз юз бермайди. Чунки ҳар қандай жамият маълум қадриятлар тизимига ўрганиб қолади ва улар асосида ривожланади. Шу сабабли ҳам жамият барча кириб келаётган янгиликларга қарши ўзининг оқланган усуллари ёрдамида курашади. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий - маданий ҳаётида ўзига хос ҳимоя тизими мавжуд. Ушбу тизим асосан миллий, ахлоқий, диний, илмий, эстетик, сиёсий ва ҳуқуқий қадриятлардан таркиб топган бўлиб, у жамиятнинг ҳаётига ташқаридан кириб келаётган модернизация учун “тўсиқ” вазифасини бажаради. Бунинг натижасида ҳар қандай

янгилик, хатто у прогрессив моҳиятга эга бўлганида ҳам “оғриқли” қабул қилинади.

Ижтимоий онгдан мустаҳкам ўрин эгаллаган кундалик одатлар, турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олган ўзига хос ахлоқий қонун - қоидалар, жамоа томонидан қабул қилинган жамоавий тартиблар ва ҳ.к.. ҳам ҳимоя тизими вазифасини бажаради. Улар доим ҳам онгнинг янгиланиши ва креативликни шаклланишига бефарқ бўлмаган. “Ижод, қандайдир янгиликнинг яратилиш жараёни сифатида жамият томонидан доим ҳам қўллаб-қувватланмаган ва доим ҳам қадрият сифатида тан олинмаган. Ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳаёт узоқ тарихий даврларда деярли секин ўзгарган. Жамият ҳаётида ворислик тамойили асосий бўлган - барча билимлар, ритуаллар, афсоналар билимли кишиларнинг маълум қисми орқали авлоддан-авлодга етказиб берилган. Ҳар қандай янгилик, жамиятнинг бир хил ва тартибга солинган ҳаётининг бузилиши, афсоналар ва ритуалларда акс этган ахлоқ қоидаларининг ўзгариши кишилар учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги сабабли, уларга нисбатан салбий муносабат ўзини оқлар эди. Афсоналар, ритуаллар, одатлар ва тақиқлар биргаликда кишиларнинг бутун ҳаёти ва фаолиятини қатъий тартибга солар, улардан чекиниш эса шафқатсизларча жазоланар эди” {7;134}.

Кўриниб турибдики, ҳозирги жамиятдан фарқли равишда бошқа барча жамиятлар янгиликларга нисбатан ҳадиксираш, хавфсираш билан қараган ва танқидий муносабатда бўлган. Яратилаётган янги иқтисодий ва маънавий-маданий қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ижтимоий тажрибанинг натижаси бўлди. Жамиятда маълум янгиликнинг пайдо бўлиши ва унинг кўпчилик томонидан қабул қилиниши учун маълум ижтимоий шароитлар зарур. Улар янгиликни бемалол оғриқларсиз қабул қилинишига имкон яратади. “Жамиятнинг ҳаётида ворислик тамойилига қатъий амал қилинган – барча билимлар, кўникмалар, тажриба кўпроқ оила ёки гуруҳ аъзоларига берилар эди. Ижодий фаолият, кўпинча хавфсиз бўлмаган ва шу сабабли ҳам у яширинча, қисман кўрсатмасдан амалга оширилган” {7;134}.

Бугунги кунда инсон онгига улкан ва ҳисобсиз ахборотлар таъсир этаётган ҳамда жамият янгиликлар учун очик, модернизация жараёнлари ва кадриятлар танловини амалга оширишнинг кенг имкониятлари мавжуд бўлган шароитда онг ўзини “йўқотиб қўймоқда”. Бизнинг асримизда ижтимоий ҳаёт кун сайин ўзгариб бораётган бир шароитда янгиликларга нисбатан салбий муносабат кўпчиликнинг кўзида оқланмайди. Инновациянинг кириб келиши нисбатан “оғрикли” бўлади. Лекин шуни ҳам айтиш зарурки, ижтимоий онгнинг жамоавийликка ўрганган руҳи янгиликнинг тезроқ ёйилишига ёрдам беради, чунки жамоавийлик хусусиятига эга бўлган онг доирасида янги ғоя ёки мода тезроқ тарқалади. Бундай шароитда кишилар инерция билан ҳамма катори бўлиш ва ҳаммага ўхшаш учун бир-бирига эргашиб кетаверадилар.

Э.Тоффлернинг фикрича, цивилизацияларнинг ўзаро муносабати ва яқинлашуви планетар онгнинг шаклланишига таъсир кўрсатади: ”Иккинчи тўлқин манфаатлари миллий мафкуранинг асосини ташкил этган ва локал даражадаги манфаатлардан устун турувчи одамларнинг қатламини пайдо қилганидек, Учинчи тўлқин ҳам манфаатлари миллий манфаатлардан кўра кенгроқ кишиларнинг шундай гуруҳини пайдо қилди. Бу кишилар баъзан “планетар онг” деб номланувчи глобал мафкурани олиб келдилар.... Миллатчилик миллат номидан гапирар эди, глобаллашув бутун дунё номидан сўзга чиқмоқда. Ва унинг пайдо бўлиши эволюцион зарурат бўлиб, фақат Ернигина эмас, балки бутун Коинотни қамраб олувчи “космик онг” шаклланишининг босқичи бўлди” {8;521-522}.

Ю.В.Яковецнинг фикрича, планетар онг бутун дунёни қамраб олган глобаллашув жараёнларини билиш, ҳамда миллий манфаатлар олдида умумпланетар, умуминсоний манфаатларнинг устунлигини тушунишни тақозо этади {6;347}.

Юқорида айтиб ўтилган омилларга моддий ишлаб чиқариш омиллари қўшилганда модернизациянинг таъсири янада кучли бўлиши мумкин. Яъни жамият онги моддий жиҳатдан кучли бўлган миллатлар, давлатларнинг иқтисодий ва бошқа кадриятларини қабул қилиш зарур, деган фикрга

мослашади ва ўрганиб қолади. Бу нарса жамият учун табиий ҳолга, одатий тартибга айланиб боради ва жамиятнинг онгида акс этади. Бундай одатий тартибни янада кучайиб боришига глобаллашув шароитида туғилиб ўсган янги авлоднинг дунёқараши ва маданияти ҳам таъсир кўрсатади. Айниқса, авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва ворисликнинг глобаллашув шароитида камайиб бориши ҳам инновацион онг фойдасига хизмат қилади.

Айтиш зарурки, авлодлар ўртасидаги боғлиқлик масофасининг замондаги чегаралари коллективизм хос бўлган анъанавий жамиятларда деярли бир авлоднинг ёшига, яъни 25-30 йилга тенг бўлган. Аммо бу ҳолат ҳозирга келиб кескин ўзгарган. “Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги тез ўзгариб бораётган дунёда 10-12 йилга фарқ қилувчи ёшдаги кишиларни ҳар хил авлодларга тегишли, деб ҳисоблаш мумкин, улар шуунчалик бир-бирига ўхшамайдиган шароитларда шаклланмоқдалар. Агар аввал авлодларнинг жисмоний алмашинуви (юз йилликда тўрт марта) ҳаётнинг ўзгариб бориши суръатлари билан мос тушган бўлса, ҳозирда эса ўзгаришлар тезлиги кишиларнинг уларга мослашиб бориши тезлигидан ўзиб кетди” {9;186}.

Маълумки, ижтимоий онгнинг турли қатламлари мавжуд бўлиб, улар тараққиётнинг турли даврларига хос бўлган хусусиятларни акс эттиради. Бугунги кунда жамият онги тўғрисида турли фикрлар бор: “Ҳозирги ижтимоий онгнинг учта қатлами мавжуд: маданий хотира билан боғланган анъанавий (онг-мерос), кишиларнинг шахсий тажрибаси таъсирида шаклланган эмпирик (онг – инъикос) ва “фikirлар фабрикаси” таъсирида технологик (онг – натижа)” {10;74}.

Анъанавий онг қисман секуляризация жараёнининг давоми ҳисобланади. Секуляризация жараёни жамият онгининг барча янгиликларни ва прогрессив ҳодисаларни англаб етиши ва ўзлаштириши билан боғлиқ. Аммо бу анъанавий онг прогрессив эмас дегани эмас. Анъанавий онг тизимида ҳам прогрессив, ҳам догматик жиҳатлар мавжуддир. Глобал онгнинг ижобий жиҳатлари шундаки, у анъанавий онгга ўзининг ҳозирги замон талабларига жавоб бера олмайдиган

ҳамда замонга мос тарзда прогрессив ҳодисаларни акс эттира олмайдиган эски ва догматик элементларидан озод бўлишга, “кутулишга” ёрдам беради.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, ижтимоий онг тизими анъанавий ва инновацион жиҳатларни ўзида бирлаштирган вазиятда мураккаб тизим ҳисобланади. У мураккаблиги билан бирга прогрессив ҳамдир. Чунки бундай тизим бир хил элементлардан тузилган эмас. Бу тизимнинг элементлари ҳархиллиги туфайли ҳам бир хил. Замонавий моҳиятга эга бўлган индивидул Ғарб онгидан кўра прогрессивдир.

Анъанавий онг таркибида доим ҳам прогрессив инновацион онгни ривожлантириш учун маълум асос ва салоҳият мавжуд. Шу сабабли ҳам ана шу салоҳиятга асосланган ҳолда келгуси ижодий ривожланиш учун доим имконият бўлади. Мавжуд ушбу салоҳият ижтимоий онгнинг ядросини (ўзагини) ташкил этади. Чунки бундай ижтимоийлик руҳига эга бўлган жамоавий онг доирасида янги ғоялар, кириб келаётган янги маданият элементлари, бир сўз билан айтганда, модернизация ва инновацион ғоялар нисбатан тезроқ тарқалади. Чунки жамоавий онгга қандайдир бошқаларга ўхшашга интилиш, кўпчиликнинг орқасидан эргашиш, кўпчиликдан ажралиб қолишдан қўрқиш каби хусусиятлар хос. Бу хусусиятларга қўшимча яна юқорида айтиб ўтилганидек, бошқалар қатори кириб келаётган барча янгиликларни, маданиятнинг янги элементларини қабул қилмаслик жамиятга унчалик “ёқмаслиги” эътиборга олинса, ижтимоий онгнинг жамоавийлик хусусияти глобаллашувнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатиши ва унга имкон яратишига яна бир марта амин бўламиз.

Сўнгги вақтларда кўпроқ “глобал ахборот онги” ибораси ҳам қўлланилмоқда. Глобал ахборот онгнинг шаклланиши миллатлар ва маданиятлар, цивилизациялар ўртасида ахборот алмашинуви имкониятларини кенгайтди. Янги технологиялар – Интернет, телевидение, уяли алоқа ва ҳ.к.. ривожланиши шахснинг маданий ва интеллектуал тараққиёти учун катта имкониятлар яратмоқда. Ушбу жараён “ахборот глобаллашуви” номи билан кўпчиликка таниш. Ахборот глобаллашуви турли жамиятларнинг маданий

соҳада яқинлашувига ёрдам беради. Бундай яқинлашувга мос равишда инновацион онг шаклланиши жараёнининг суръатлари янада тезлашади. Ахборотлашув инновацион онг шаклланиши ва ривожланиши учун янада кенгроқ имкониятлар яратади.

Инновацион онг эса ўз навбатида ахборотлашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатларини англа етиш, унинг натижалари ва оқибатларини тўғри таҳлил қилиш ҳамда унинг имкониятларидан жамият тараққиёти ҳамда унинг субъектлари фаолиятида фойдаланиш масалаларини тўғри ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки жамиятнинг тобора янгиланиб бориши, инновацияларнинг янада кўпроқ кириб келиши, барча соҳаларда ижодий хусусиятга эга бўлган интеллектуал потенциалнинг кўпайиб бориши объектив жараёндир. Бу жараён аслида тарихий тараққиётнинг барча даврларида ҳам амалга ошиб келган. Лекин бугунги кунга келиб, унинг суръатлари ниҳоятда тезлашиб кетди. Барча соҳаларда ақл бовар қилмас даражадаги ўзгаришлар, тараққиёт суръатларининг ўта тезлашиб бориши, ахборотлашган дунёнинг “қисилиб бориши” каби глобал ҳодисаларнинг чақириқларига жавоб бера олиш, уларга мослашиш ёки зарур бўлганда бундай чақириқларнинг юзага келиши мумкин бўлган салбий жиҳатларига қарши кураша олиш вазифаларини бизнингча, инновацион хусусиятларга эга бўлган онг бажара олади.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.Т.:Ўзбекистон, 2000.
- 2.Леонова О.Г. Вызовы глобализации и актуальные тренды общественного сознания в России XX века. Социально – гуманитарные знания. 2008, № 1.
3. Бегматов А. Инновацион онг ва ижтимоий тараққиёт. АДУ Ilmiy xabarname. 2015. № 1.
4. Бестужев-Лада И. Альтернативная цивилизация: актуальность социологического осмысления // Социология на пороге XX! века.-М.,1999; Мешков М. Глобальное видение и новая наука.-М.,1998.
5. Митрохин Л.Н. В.С.Степин и проблемы философии культуры. // Вопросы философии. 2004. № 9.
6. Яковец Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций. Издание 2-е, дополненное и переработанное. М: Экономика, 2003.
7. Ли Е. Творчество как ценность Ҳозирги замон фалсафаси: ҳолати ва тараққиётининг истикболлари.Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.Т., 2008.
- 8.Тоффлер Э.Третья волна.М.: АСТ, 1999.
- 9.Бессонов Б.Н. Гуманизм и духовное развитие общества.М.: Издательство РАГС, 2006.
- 10.Философия истории. Под ред. А.С.Панарина. М.: Гардарики, 1999.

3. Модернизация: кадриятлар трансформацияси ва миллий ўзликни англаш

Таянч тушунчалар: кадриятлар трансформацияси, цивилизация, маданиятлараро мулоқот, миллий ўзликни англаш

Сўзимизнинг бошида модернизация ва глобаллашув жараёнлари ўзаро боғлиқлиги ҳақида тўхталиш лозим. Модернизация глобаллашувнинг натижаси. Кўпчилик тадқиқотчилар глобаллашувни XX асрда пайдо бўлган жараён сифатида эътироф этадилар. Бизнингча, глобаллашувнинг илдизлари узок бўлиб, у турли жамиятлар ва мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши билан юзага келган. Фақат глобаллашув дастлаб масалан, Александр Македонский даврида ҳарбий глобаллашув, кейинроқ жаҳон динларининг ривожланиши ва тарқалиши натижасида диний глобаллашув сифатида юзага келган. XX асрнинг охирларига келиб субъектларнинг аралашувлари натижасида бу жараённинг суръатлари ниҳоятда тезлашиб, сунъийлик хусусиятлари касб эта бошлаган.

Глобаллашув жараёнига қўшилиб бораётган жамият ҳаётида модернизация ҳам амалга ошади. Ўз навбатида модернизация интеграциясиз бўлмайди. Интеграция глобаллашувнинг шарти. Демак, интеграция ва модернизация глобаллашув жараёнини юзага келишида муҳим ўрин тутган жиҳатлар экан. Бу иккала ҳодиса ҳам тарихий жараён билан биргаликда юзага келган бўлиб, улар тарихнинг босқичларида турлича намоён бўлган. Тарихнинг ўтиш давларида, бурилиш давларида уларнинг суръатлари тезлашган бўлса, нисбатан барқарор даврларда бу жараёнларнинг эволюцияси ўз қонуниятлари асосида секинроқ амалга ошган. Умуман олиб қараганда, тарихий тараққиётнинг ўзи интеграция ва модернизациясиз мавжуд бўла олмайди. Шунга кўра тараққиётнинг бу икки омили энди пайдо бўлди, деб айтиш тўғри

эмас. Шунчаки уларнинг суръатлари бугунги глобаллашув даврида тезлашиб, тарихий жараён суръатларининг ҳам тезлашишига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирда битта авлод 50-60 йилда босиб ўтган йўлини янги авлод 10-15 йилда босиб ўтмоқда. Бу ҳолат жамиятнинг барча соҳаларига тегишли.

Ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида модернизациянинг чуқурлашиб ва кенгайиб бориши, турли давлатлар ва миллатлар ҳаёти ва турмуш тарзининг тобора бу жараён таъсисрида ўзгариб бориши унга акс таъсир сифатида миллийлик билан боғлиқ бўлган соҳаларни кескин ўзгартириб юборди. Миллатнинг модернизация ва тобора ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнига кириб бориши бошқа миллатлар ва уларнинг маданиятлари билан алоқадорлик ва мулоқот чегараларининг кенгайишига, демак прогрессив тараққиётга олиб келади. Аммо иккинчи томондан, модернизация ва миллийлик муносабатларида бу жараёнга баъзан мослашиш, баъзан унинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш, альтернатив йўллари кидириб топиш ва зарур бўлганда, уларга қарши кураш каби муаммоларни ҳар бир миллат олдида долзарб масала сифатида қўяди. Мазкур масаланинг ечимларидан бири миллий ҳимояланиш усуллари ва механизмларини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам модернизация жараёнининг миллийликка таъсири динамикасини ва диалектикасини назарий жиҳатдан ўрганиш муҳим фалсафий масаладир.

Модернизациянинг натижалари (ижобий жиҳатлари) ҳам ва оқибатлари (салбий жиҳатлари) ҳам миллий маданият ва маънавият, миллий қадриятлар тизимига таъсир этиши табиий. Бу соҳада миллий ва маънавий ўзликни англаш ҳимояланишнинг асосий омилларидан бири бўлиши мумкин. Ҳозирда глобаллашув ва модернизация шароитида юзага келаётган универсаллашув бир томондан, барча миллатлар учун тараққиётнинг бир хил қолипларини тақозо этса, иккинчи томондан, ана шу жараёнлар таъсирида миллий ўзликни англаш, анъанавийлик ва миллий ўзакларга қайтишга интилишни кучайтирмоқда.

Миллий ўзликни англаш масаласи миллат билан боғлиқ муаммоларнинг негизи ҳисобланади. Бу масала доим ҳам ижтимоий - фалсафий фанларнинг

диққат марказида бўлиб келган. Ҳар қандай инсон қайси миллатнинг вакили бўлмасин, энг аввало, у ўз миллатининг тарихи, хусусиятлари ва келажаги билан кизиқади. Ўзининг шахсий ҳаётини ундан ажралган ҳолда тасаввур эта олмайди. Унинг қалбида ўз миллатини севиш ва унга хизмат қилиш каби туйғулар мавжуд бўлади. Миллий ўзликни англаш жаҳондаги тараққий этган миллатлар каторидан жой эгаллаш, ўз этномавқеини сақлаб қолиш ва миллат мавжудлигининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ўзликни англаш ва миллий ўзликни англаш муаммолари жаҳоннинг барча мамлакатлари ва миллатларга алоқадор бўлган интеграция, модернизация жараёнлари суръатларининг тезлашиб бориши билан янада долзарблик касб этди. Шунини айтиб ўтиш ўринлики, миллатнинг тарихий жараёнда шаклланиши ходисасининг ўзи ҳам интеграциянинг натижаси ҳисобланади. Демак, миллий ўзликни англаш бугун пайдо бўлган масала эмас экан.

Фалсафа тарихига назар солсак, мутафаккирлар ўзликни англаш, миллий ўзликни ва миллий мансубликни англаш масалаларига катта эътибор қаратганлар. Жумладан, қадимги юнон фалсафасининг буюк вакили Сукрот билиш инсоннинг ўз-ўзини англашидан бошланиши ҳақида уқтириб ўтган. Буддавийлик, зардуштийлик, ислом диний ғояларида ҳам мазкур масала кўтарилган, деб айтиш мумкин. Масалан, ислом фалсафасига мурожаат этсак, қуйидаги ҳадисни кўрамиз: “Кимки ўзлигини таниса, у раббини танийди” {1; 196}.

Ғаззолийнинг фалсафий меросига мурожаат қилсак, мазкур масала бўйича унинг қимматли фикрларини англаймиз. У комил инсон масаласига катта эътибор бериб, комилликни бевосита ўз-ўзини англаш билан боғлайди. Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида инсон ўзини, ўзлигини таниганда, ҳамда ўзини камолга етказгандагина ўзгани ва Худони танийди, деб уқтиради {2;5-76}. Фаробий ҳам ушбу масалага эътибор қаратган бўлиб, унинг илмий меросида миллий ўзликни англаш муаммоси кишиларнинг руҳи ва уларнинг бирлашиши натижасида кўпчиликнинг бирлашуви, унинг оқибатида эса авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва ворислик масалалари доирасида талқин этилади. Унинг фикрича, авлодларни

бир-бири билан боғлаб турувчи ворислик, демакки, авлодларни ҳурматлаш халқнинг бахт-саодатга эришиши учун манба бўлиб хизмат қилади ва фаровон ҳаёти учун шароит яратади {3;164-165}.

Миллий ўзликни англаш муаммолари бир қатор Ғарб мутафаккирлари Гегель, кейинроқ экзистенциалистлар – Ясперс, Сартр, Камью, рус файласуфи Бердяев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган. Сўнгги вақтларда ушбу масалага бир қатор ўзбек олимларининг мурожаат этаётганлиги ҳам муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Миллий ўзликни англаш тарихий жараёнда муҳим ўрин эгаллаган ходисалардан бири бўлиб, ўзликни англашнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади ва миллат шаклланишининг асосий шартларидан бирини ташкил этади. Ўзбекистонда ушбу масала давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янгича маъно касб эта бошлади. Чунки мустақиллик туфайли миллий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши, миллий тарихий маънавият ва умуман миллатимиз, миллийлик билан боғлиқ бўлган жуда кўп муаммоларга ёндашув моҳиятининг ўзи тубдан ўзгарди. Бундай ҳолат миллий ўзликни англаш масаласига миллий мақсад ва манфаатларимиз ҳамда келажак мустақил тараққиётимиз нуқтаи назаридан ёндаша олиш имконини яратди.

Миллий ўзликни англаш бу ўзга миллатлар ва уларнинг маданиятини инкор этиш ҳисобига эмас, аксинча, уларга ҳурмат билан қараш, ўзини бошқа миллатлар маданияти ва маънавиятига таққослаш, қиёслаш асосида зарур ҳулосалар чиқариш, уларнинг илғор томонларидан ўрнат олиш ва ўзлаштириш, уларга интилиш ва шу билан бирга ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш демакдир. “Бинобарин, биз давлатимиз келажagini ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли

дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч – тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз” {4;114}.

Миллий ўзликни англаш масаласининг марказида миллий маданият муаммоси туради. Миллат ва миллий маданият идентификацияси маданиятлараро мулоқотсиз ва диалогсиз амалга ошмайди. Маданиятлараро диалог давомида миллий маданият ўзини англайди, унда ўзини бошқа маданиятлар билан солиштириш, баҳолаш ва қайта баҳолаш имкони туғилади. Бундай диалог маҳаллий маданиятга ўзининг консерватив ва айрим догматик томонларини тушуниб етишга ва ўзига нисбатан танқидий ёндашишга ёрдам беради. Ҳар қандай маданият бундай сифатда яшай олиши ва тараққий эта олиши учун у бир вақтнинг ўзида турли маданиятлар чегарасида мавжуд бўлиши, улар билан диалогга кириши ва улар қўйган долзарб саволларга жавоб бера олиши ва улар орқали ўзини намоён эта олиши зарур {5;286}. Аксинча, бошқа маданиятларнинг таъсиридан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида атрофига тўсиқ қўйиб “беркиниб олишга” ҳаракат қилмоқчи бўлган миллат ва маданият замонавий интеграция ва модернизация жараёнларидан, демак тараққиётдан орқада қолади.

Миллий муносабатлар ва миллий маданият билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда традиционализмга (анъанавийлик) асосланган ёндашув методологик жиҳатдан тўғри йўللardan биридир. У тарихий миллий маънавият ва маданият, миллий қадриятларни сақлаб қолишни назарда тутди. Традиционализм уч хил: прогрессив, консерватив ва догматик кўринишда намоён бўлиши мумкин.

Прогрессив – лотинча “олдинга ҳаракат”, “муваффақият” маъносини билдириб, ривожланишнинг қуйроқ босқичидан юқорисига томон такомиллашиб боровчи жараённи билдиради. Консерватив – лотинча “сақлаш”, “ҳимоялаш” демакдир. Биринчи марта бу тушунча француз ёзувчиси Шатобриан томонидан қўлланилган. Ижтимоий соҳада консерватизм кўпроқ ўзгармасликка мойил бўлган барқарорликни тарғиб қилади. Консерватизм догматизмга яқин. Dogmatizm – фикрлашнинг қотиб қолган шакли бўлиб, у масалага бир томонлама ёндашади ва унинг айрим томонларини

мутлақлаштиради ва нисбийликка эътибор бермайди. Бу тушунча биринчи марта қадимги юнон скептиклари Пиррон ва Зенон томонидан киритилган. Догматик хусусиятларга эга бўлган традиционализм миллий тараққиётни ва миллий ўзлиқни англаш масалаларини фақат ўз миллий маданияти ва уни тан олиш билан боғлайди. Догматик традиционализмнинг моҳияти фундаментализмга яқинроқ бўлиб, бундай традиционализм миллат тарихидан мустақкам ўрин эгаллаган қадриятларнигина тан олади ва замонавий, прогрессив янгиликларга йўл бермайди. Традиционализмнинг бундай шакли миллат ва мамлакатнинг тараққиётига тўсик бўлиб қолиши мумкин.

Консерватив традиционализм айнан догматизмга яқин бўлмасада, бугунги модернизация дунёсида бундай ёндашув ҳеч қайси миллатнинг тараққиётига хизмат қилмайди. Аксинча, миллат тараққиётини замонавий фан-техника, маданият ютуқларидан ихоталаб қўяди. Шу билан бирга консерватизмнинг прогрессив хусусиятга ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган соғлом шакли ҳам мавжуд эканлиги ва унинг ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки бундай консерватизм традиционализмни назарий жиҳатдан асослаган ҳолда анъанавий маданият ва қадриятларни ҳимоя қилиш, авлодлар боғлиқлигини, ворисликни таъминлаш функциясини ҳам бажаради.

К.Манхейм консерватизмни тафаккурнинг шакли ёки тури, деб атайди ва консерватив реформизм масаласига тўхталади. “Консерватив реформизм айрим хусусий омилларни бошқа хусусий омиллар билан алмаштиришга (яхшилашга) асосланади. Прогрессив реформизм ноқулай фактларнинг мавжуд бўлишига имкон яратувчи бизни ўраб турган бутун оламни ислоҳ қилиш йўли билан ана шу фактларни йўқ қилишга интилади. Шундай қилиб, прогрессив реформизм бутун сифатидаги тизимни ўзгартиришга интилса, консерватив реформизм алоҳида бўлақлар билан шуғулланади” {6;601-602}. Қайд этилган консерватизм жамиятнинг эволюцион тараққиётида ва бурилиш давларида босқичма-босқич тараққиёт йўлидан борувчилар учун қўл келиши мумкин. Чунки бундай йўл бурилиш ва ўтиш давларида жамиятни шок ҳолатига тушириб қўйиши мумкин

бўлган радикал ўзгаришларга олиб келувчи революцион йўлга нисбатан тўғрироқдир. Демак, консерватизм ҳам прогрессив характерга эга бўлган соғлом консерватизм сифатида намоён бўлиши мумкин экан.

Соғлом консерватизм прогрессив традиционализм билан боғлиқ бўлиб, толерантлик хусусиятига эга. Бундай очик традиционализм бошқа миллатлар ва халқларнинг ҳам тараққиётига хизмат қилувчи маданиятни, янги замонавий ва демократик қадриятларни тан олган ҳолда ўз тараққиётида ҳам улардан фойдаланишга ҳаракат қилади, уларга ҳурмат билан қарайди. Прогрессив традиционализм миллатнинг бошқа миллатлар билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва гуманизмга асосланган диалог ўрнатиши учун имкониятлар яратади.

Алоқадорликни ҳамда миллаталараро ўзаро диалогни инкор этувчи маданият фақат анъанавий моҳиятга эга бўлиб, ривожланиш потенциали пасайиб боради. Бу эса фундаментализмга асосланган традиционализмга олиб келиш хавфини туғдиради. “Ҳар қандай анъана ёки мафкура толерантликка ва диалогга қобилятини йўқотиши, монологлашиб ва агрессивлашиб бориши, ўзини ягона ҳақиқий таълимотлигини англаб (ва уни эълон қилиб) фундаментализм шаклига эга бўлиш хусусиятига эга” {7;24-25}.

Бу нуқтаи назардан бошқа маданиятлар таъсирида ўзгара олмайдиган ўз қобиғига ўралган маданият ҳам ривожланмайди. У узоқ вақт давомида ихоталанган ҳолда яшаса, бошқа маданият таъсирида ривожлана олиш қобилятини ҳам йўқотиб боради. Бундай шароитга тушиб қолган маҳаллий миллий маданият замонавийликдан, илғор маданият ва технологиядан, модернизациянинг миллат равнақиға ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган прогрессив таъсирларидан ажралиб қолиши мумкин. Чунки миллий маданиятнинг бойиши ва ранг-баранглиги унинг янги элементларни қабул қилиш ҳисобига кенгайиб боради. Маълумки, ҳар қандай ранг-баранглик ва турли-туманликнинг моҳияти бирхилликнинг моҳиятидан кўра бойроқ. Бу нуқтаи назардан бир томонлама сунъий тазйиқ ва зўракиликдан озод бўлган модернизация натижасида юзага келаётган янги маданият турли маданий элементлардан ташкил топганлиги учун ҳам бойроқ. Бундай маданиятни турли-

туманликдан ва ранг-барангликдан иборат бўлган бир хил маданий тизим сифатида эътироф этиш мумкин.

Ташқи таъсирни қабул қила олиши ва унга акс таъсир кўрсатиб “жавоб бера олиши” учун маҳаллий миллий маданият маълум зарурий базага, уни инъикос имконияти билан таъминловчи анъанавий маданият ва миллий қадриятларга асосланган фундаментга эга бўлиши зарур. “Ўзаро инсоний муносабатлардаги каби сўз бошқа “сен”ни “сен” сифатида англаш, яъни унга бизга ниманидир айтиш имконини бериш ва у айтган нарсани эшитиш каби тарихий билишда ҳам объективистик четланиш эмас, бошқа даврни эшитиб кўришга тайёрлик талаб этилади”{8;425}. Бундай мулоқот маҳаллий маданиятнинг яшовчанлигини белгилайди, унинг ўзига хослигига путур етказмаган ҳолда моҳиятини бойитади ва келажак тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Кези келганда эътироф этиш зарурки, толерантлик хусусиятига эга бўлган ўзбек маданияти узоқ давом этган тарихий жараёнда турли таъсирлар натижасида ҳам ўзининг маҳаллий миллийлик хусусиятларини сақлаб келмоқда. Ҳатто унга катта таъсир кўрсатган буюк ислом маданиятининг ўзи ҳам Марказий Осиёга кириб келиб трансформацияга учради. Бунга ҳудудимизда кенг тарқалган Ханафий мазҳабининг таълимоти яққол мисол бўла олади. Бу мазҳаб айнан маҳаллий миллий қадриятларни инкор қилмасдан, аксинча уларнинг барча прогрессив жиҳатларини ўзига сингдирганлиги учун ҳам кенг тарқалган.

Ҳар қандай миллий маданият тизимининг таркибида ташқаридан келаётган ва маҳаллий маданиятга зид бўлган маданий элементларни англаш, уларни танлаб олиш ва уларни “элакдан ўтказувчи филтр” вазифасини бажарувчи шундай элементлар борки, улар бевосита миллий маданият учун ҳимоя вазифасини ўтайди. Уларни асрлар давомида синовдан ўтган ва авлоддан-авлодга ворислик йўли билан ўтиб келаётган миллий маданий ва маънавий қадриятлар ташкил этади.

Ҳар бир миллатнинг маданий онгида ва онг остида фақат мазкур маданиятнинг ўзигагина тегишли бўлган архетип яшайди. Бундай архетиплар

оламни англашнинг ўзига хос эталонлари бўлиб хизмат қилади {9;62}. Ана шу архетип маҳаллий маданиятнинг моҳиятига аниқроғи, кодиға (“маданият коди” тушунчаси маълум белгилар, маънолар, ҳаракатлар ёрдамида бирон – бир жисмоний тизим ҳолатини бошқа ана шундай тизим ҳолати орқали акс эттиришни ифода этади {10; 53-54}) мос келувчи элементларни танлаб олишға ва унга ёт бўлганларини итариб юборишға, мажбуран кириб қолганларини эса сиқиб чиқаришға ёрдам беради. Бундай архетипларға тарихий даврнинг хусусиятлари ва моҳияти катта таъсир кўрсатади. Масалан, XX асрнинг биринчи ярми билан сўнгги даври маданий жихатдан бир-биридан анча фарқ қилади. Бу фарқ ана шу архетипда ўз аксини топган. Архетипларнинг замонда ўзгариб туришиға қарамасдан улар миллий маданият ва умуман миллий онг учун ташқи салбий таъсирдан ҳимоя қилувчи мустаҳкам тўсик вазифасини ўтайди.

Традиционализм ҳақида гапирилганда, айтиб ўтиш керакки, у миллий маданият ва маънавий соҳасида прогрессив янгиликларни тан олувчи, толерант, замонавийликка прагматик кўз билан қаровчи нодогматик традиционализм хусусиятларига эға бўлгандагина маданий тараққиётға хизмат қилади. Фақат ўтмишни акс эттирувчи тарихий маданиятнинг ўзи (у қанчалик миллий хусусиятға эға бўлмасин), миллатнинг келгуси тараққиёти учун камлик қилади. Чунки “Маданият - бир вақтнинг ўзида ўтмиш, ҳозирги давр ва келажак инсонларининг ва маданиятининг биргаликда мавжудлиги ва ўзаро муносабати, ушбу маданиятлар диалогининг (ва туғилишининг) шакли” {5; 289}.

Жамиятда амалға ошаётган модернизация жараёнлари ўз-ўзидан очиқлик ва толерантликни тақозо этади. Бундай хусусиятларнинг моҳияти албатта, ижобий бўлиб, улар жамиятнинг прогрессив тараққиётиға хизмат қилади. Лекин бизнингча, бу ҳодисаларни миллийлик, миллий маданият ва миллий ўзликни англаш масалалари билан боғлиқликда таҳлил этилганда, уларға бошқачароқ ёндашув зарур. Миллийликнинг хусусияти ва моҳиятини белгилаб берувчи ҳодисалар доирасида ортиқча очиқлик ва толерантликка урғу беришға ҳам йўл қўйиб бўлмайди, чунки бундай ҳолда миллат ва миллий маданият ўзига

хослигини ва қайтарилмаслигини хавф остига қўйиб қўйиши ва ўзга таъсир натижасида бутунлай моҳиятини ўзгартириб юбориши мумкин. Чунки ҳар қандай миллийлик моҳиятига эга бўлган ҳодиса, шу жумладан маданият ҳам барқарордир. У миллийлигини йўқотиб бориши билан ўз барқарорлигини ҳам йўқотиб боради. Модернизация шароитида шаклланаётган глобал маданият эса очик бўлганлиги ва ўта толерантлиги учун ҳам барқарор эмас. “Айтиш мумкинки, реал жамият ўз фуқароларининг толерантлиги ҳисобига қайта ишланиб чиқарилади, чунки ривожланиш диалогни талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, толерантлик биргаликда тинч яшашнинг шарти, диалог ривожланишнинг шарти ва талаби” {7;27}. Демак, толерантлик ва бошқа маданиятга нисбатан ҳар қандай очиклик ўзининг маълум чегараларига эга бўлиши керак экан, акс ҳолда модернизация шароитида миллат ва инсонларнинг ўзини идентификация қила олиш қобилияти хавф остида қолади.

Аслини олганда, глобаллашув ва модернизация хусусиятларига эга бўлиб бораётган маданият прогрессив ва тараққий этаётган маданият ҳисобланади. Чунки у ўзининг очиклиги ҳисобига тезроқ ривожланади. Лекин очик тизим элементларнинг унга кириши учун ҳам, ундан чиқиши учун ҳам қулай. Бундай тизим очиклиги учун ҳам қатъий ва барқарор эмас. Унинг таъсирида менталитетини ва ўзлигини йўқотиш ҳисобига глобаллашиб борувчи миллий маданият ҳам нобарқарорлашиб боради ва у миллатнинг тараққиётидан кўра кўпроқ унинг миллий сифатлари ва ўзлигини йўқотиб боришига хизмат қилади. Демак, масала миллат ва уни маданиятининг ўзга таъсирни қабул қила олиш билан бирга ўзга маданиятнинг салбий таъсиридан ўзини ҳимоя этишга қодир бўла олишлигида. Бундай шароитда ўзини ҳимоя эта олмайдиган маҳаллий маданият унинг ҳоҳиш иродасидан қатъий назар унификация жараёнига тортилади ва унинг тараққиёти прогрессив эмас, аксинча, регрессив ёки консерватив хусусиятга эга бўлиб бориши оқибатида миллатнинг этномавқеи ҳам хавф остида қолади.

Қайд этилган ҳодисалар ҳозирги тез ўзгариб бораётган даврда юзага келган унификация жараёнининг салбий оқибатларидан айрим ўзини ҳимоя

кила олиш имконияти кам бўлган миллатларнинг мустақиллигига ҳам зарардир. Ушбу жараённинг бундай салбий оқибатларига қарши бўлганлар планетамизда маданият соҳасида турли-туманликни, плюрализмнинг онтологик тамойилларини ҳимоя қиладилар, ҳамда ўта эрта кириб келган “очиқ жамият” шиорини инкор этадилар {11;86}. Чунки очиқ жамиятни барпо этишнинг тамойиллари тенг ҳуқуқлилик асосига қурилган плюрализмни ва барча томонларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя этувчи диалогни тақозо этади. Бу соҳада бир томоннинггина манфаатларини ҳимоя этувчи диалог иқтисодий жиҳатдан кучли бўлмаган ва сон жиҳатдан кичик бўлган миллатларнинг манфаатларига зид бўлган ҳолда, уларнинг мустақиллигини ҳам хавф остига қўйиши мумкин.

Диалог даврида иккинчи томон мавқеининг йўқолиб бориши, ёки қарши томоннинг таъсирига бутунлай тушиб қолиши биринчи томоннинг идентификацияси ва ўзлигини англаш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Унинг ижод қила олиш қобилияти ва унинг асосида ривожлана олиш хусусияти камайиб боради. Маълумки, сифат жиҳатидан янгиланиш ҳамда бошқалар билан солиштириш натижасида ўзига реал кўз билан танқидий қараш, ўз-ўзини қайта баҳолай олиш қобилиятидан маҳрум бўлган маданият вақти келиб фундаментализмга оғиб кетиши муқаррар. Ўзига нисбатан танқидий қарай олиш қобилияти ҳам миллий маданиятнинг келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлиб, маънавий ҳимоянинг усулларида бири ҳисобланади. Жаҳоннинг илғор ва прогрессив маданиятини унумли қўллаган ҳолда маҳаллий анъанавий маданиятнинг ҳам издан чиқишига йўл қўймаслик, бу икки йўналишни бир-бири билан уйғунлаштириш миллатнинг юксак тараққиётга эришиш йўлларида биридир.

Ҳар қандай миллий маданият ўзига хослигини англаш ва бундай ўзига хосликни сақлай олиш орқалигина жаҳон маданиятлари сафидан жой олиши, шундагина миллат ўз маънавияти ва маданиятини бошқа миллатларнинг маданиятига таққослаб кўриш, уларни ўрганиш ҳисобига ўзи ҳам ривожланиши, ҳамда жаҳон маданияти ва цивилизацияси тизимига қўшила олиш имкониятига

эга бўлади. “Ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, тараққиёт билан таққослаб кўради ва таназзул сабабларини кидиради. Агар таназзул сабабларини тўғри топса, энди ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қилади”’. {12;366}.

Жаҳон маданият тизимининг ўзи ҳам якка ҳолдаги турли миллий маданиятнинг қайтарилмас ва ўзига хос дурдоналаридан ташкил топган. Бундай сифатда жаҳон маданият ва цивилизация тизими турли миллий маданиятларнинг синтези асосида вужудга келган. У объектив шаклланган тизим сифатида ўзининг диалектик ривожланиш қонуниятларига ва тамойилларига эга. Унда барча миллатлар турли–туман маданиятларининг хусусиятлари бирлашади ва акс этади. Мазкур шаклда у турли-туманликка асосланган бирхиллик моҳиятига эга бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бундай турли маданиятлардан (элементлар ёки қисмлардан) ташкил топган тизимни (бутунни) ўзаро маданий мулоқотга ва синтезга асосланган маданий квинтэссенция сифатида эътироф этиш мумкин.

Бундай маданий квинтэссенцияга ислом маданиятининг мамлакатимиз ҳудудига ёйилиши ва унинг маҳаллий маданият билан синтезлашиб кетганини мисол қилиш мумкин. Ислом дини Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудига кириб келгандан сўнг маҳаллий маданиятга ўз таъсирини кўрсата бошлади. Дастлаб араб босқинчилари ва ислом ғояларининг тарқалишига қарши кенг курашлар бўлган бўлсада, вақтлар ўтиб ислом ғоялари маҳаллий этник гуруҳларнинг онгидан жой олди. Турли этник гуруҳлар энди ўзларини ислом маданияти билан идентификация эта бошладилар. Бу эса бир – бирига зид бўлган турли миллий кайфиятларнинг тўқнашувини олдини олди ва диний – этник бирликни шакллантиришга ёрдам берди. Бу жараёнлар оқибатида шундай “маданий қатлам” шаклландики, ушбу қатлам Шарқ Ренессансига асос солган цивилизациянинг ривожланишига кучли туртки бўлди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, ислом маданиятининг ўзи ҳам маҳаллий маданиятнинг кучли таъсирига учради. Унга маҳаллий халқларнинг урф-

одатлари, анъаналари, ахлоқий тизими ва бошқалар акс таъсир кўрсатди. Исломшунос тарихчи олим Бартольд В.В.нинг таъкидлашича, мусулмонлик теологик мактаби маҳаллий анъаналарга асосланган ҳолда, маҳаллий ўзига хосликларни ифода этади {13;236}. У босиб олган ҳудудларида кучли илмий маҳаллий потенциалга эга бўлди ва янги илмий-маданий фундамент билан Марказий Осиёдан Макка ва Мадинага қайтди. Ханафия мазхабининг, кейинроқ эса Нақшбандия тариқатининг таълимоти ва мамлакатимиз ҳудудида яшаб ижод этган Имом Абу Асо ат-Термизи, Махмуд аз Замахшари, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожи Аҳрор Вали, Имом ал Мотуруди каби бир қатор буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди бунга яққол мисол бўла олади. Уларнинг қарашлари ва яратган асарлари асосида ислом маданияти ва фалсафаси янада тараққий этди. Илдизлари бизнинг юртимизга келиб тақаладиган тариқатлар эса ислом илмини янада юксакликка кўтарди. Демак, бир томондан, У11 асрга келиб арабларда адабиёт, тил, ижод, фалсафа, ҳуқуқ соҳаларининг ривожланиши эвазига араб маданияти ривожланди, иккинчи томондан, араблар эгаллаган ҳудудларда қадимий анъаналарга асосланган маданий марказлар араблар маданияти ва маънавиятининг тараққий этишига улкан таъсир кўрсатди. Биргина Маъмун академиясининг ўзи бунинг ёрқин мисолидир. Фирдавсий, Ибн Сино, Беруни, Фароби каби буюк мутафаккирларнинг ижоди, уларнинг илмий фаолияти, юнон тилидан кўплаб илмий-фалсафий асарларнинг таржима қилиниши эвазига илм-фан гуллаб яшнади.

Маълумки, Республикамиз Президенти И.А. Каримов миллий ўзликни англаш масаласига катта эътибор қаратади. Унинг бир қатор асарларида акс этган миллий ўзликни англаш масаласига муносабати ушбу муаммони ёритишда олимларимиз учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин: “Биз миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш ва ривожлантиришга катта аҳамият берар эканмиз, миллий ўзликни англаш жаҳон маданияти ғояларидан, умуминсоний қадриятлардан узилмаслигини назарда тутамиз. Ўзбек халқининг

тарихи ва маданияти умумбашарий цивилизациянинг таркибий ва ажралмас қисмидир” {14;196}.

Бошқа миллатлар билан ўзаро таъсирга кираётган миллат ҳам ва таъсир этаётган миллат ҳам ўзгаради ва тараққий этади. Бундай ўзаро таъсирнинг қай даражада ижобий ёки салбий бўлиши бир қатор омилларга боғлиқ: мазкур тарихий даврнинг шарт-шароитлари, миллатнинг фаоллиги, миллий етакчилар фаолияти, демократик тамойилларга амал қилиниши ва бошқалар.

Баъзан ташқаридан келаётган таъсирлар тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ тарзда миллий маънавият ва маданиятга катта путур етказиши ҳам мумкин. Шу сабабга кўра Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ушбу масалага алоҳида эътибор қаратади: “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима иш қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим” {4:17}.

Мустақиллик туфайли кўлга киритилган иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий омиллар миллий онгни ҳозирги замон руҳига мос равишда шакллантириш ва ривожлантириш йўлида катта замин яратади. Аммо бу давр ўзининг маълум мураккабликларига ҳам эга. Чунки жамият бир вақтнинг ўзида мустақиллик дунёқарашини, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, глобаллашувнинг салбий оқибатларига қарши курашиш, маънавий – маданий ва миллий ҳимояланиш, ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиб ўтиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни амалга ошириши зарур бўлмоқда.

Гап модернизация натижасида кириб келаётган илғор янгиликларга қарши курашиш ҳақида эмас, балки ушбу жараённинг миллий маънавиятга, демак миллий ўзликни англашга салбий таъсир этувчи оқибатларига қарши курашиш ва улардан ҳимояланиш ҳақида бормоқда. Чунки инсониятнинг ўзи

интеграция жараёнлари билан қанчалик боғлиқ бўлса, модернизация жараёни билан ҳам шунчалик боғлиқ. Инсоният тарихи ушбу объектив ва қонуний жараённи четлаб ўта олмайди. Янги маданият даврининг ижтимоий эҳтиёжлари, ижтимоий тараққиётнинг талаблари, ва манфаатлари асосида ривожланади. Бундай эҳтиёжлар ўз-ўзидан объектив равишда глобаллашувнинг кириб келишига сабаб бўлади. Ҳозирги даврда жаҳон интеграция ва модернизация жараёнига қўшилмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ва миллат глобаллашув жараёнига ҳам тортилади. Ундан йироқлашишга ва бу жараёнга қўшилмасликка ҳаракат қилган субъектлар эса жамиятнинг тараққиётдан орқада қолишига сабаб бўлишлари мумкин. “Демак, биз глобаллашув жараёнида оқилона йўл тутсак, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий раванга эришишимиз мумкин экан. Оқилона йўл эса глобаллашувни тўла инкор қилиш ёки чапак чалиб кутиб олишда эмас, керак бўлганда унинг йўналишига мослашишда, тегишли пайтда уни ўзимизга мослаштиришда” {15;66}.

Миллатнинг асосий белгиси ҳисобланган ҳар қандай миллий маданият асосида эса янгиликка интилувчи миллий ижодий кучлар сақланиб қолади. Бу кучлар миллий кадриятлар ва анъаналарга, миллий турмуш тарзи ва миллий психологияга асосланади. Демак, миллат қайд этилган омиллар асосида сақланади ва қайта сақланади. Унинг миллийлигини таъминлаб турувчи бундай асосларнинг элементлари авлоддан-авлодга ўтгани сари сақланибгина қолмасдан тараққий ҳам этадилар. Бундан хулоса шуки, модернизация ва интеграция жараёнлари миллатлар ҳаётини, уларнинг миллийлигини ўзгартириб юборади, лекин тўла йўқотиб юбора олмайди, чунки унинг тараққиёт суръатлари миллий тараққиёт суръатларидан тезроқ бўлсада, тараққиёт потенциали миллий тараққиёт потенциалидан кучли эмас. Бундай кучсизликнинг сабаби биринчидан, унинг асосида кўпроқ иқтисодий жиҳатлар ётганлигида ва иккинчидан, бу жараёнга турли субъектларнинг аралашуви натижасида унинг тобора сунъийлашиб бораётганида. Табиий йўл билан бораётган объектив ва қонуний жараёнларга субъектларнинг аралашуви ва унинг тобора сунъий хусусият касб этиб бориши ушбу субъектларнинг

иктисодий ва сиёсий “буюклигидан” қатъий назар миллийликдан устун бўла олмайди.

Ғарб вестернизацияси бошқа жамиятларнинг ўзига ҳослиги, менталитети ва миллий маданиятини кўр-кўрона инкор қилишга ва уларга етарлича баҳо бермасликка интилаётган бир даврда Япония, Хитой, Малайзия, Сингапур, Таиланд каби давлатлар юксак иқтисодий-маданий тараққиётга эришмоқдалар. Улар ўз миллий хусусиятларини, тарихий маданияти ва маънавиятини сақлаган ҳолда фан-техниканинг илғор ва прогрессив ютуқларини ҳам ўзларининг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзига жорий этмоқдалар. Демак, традиционализм асосидаги модернизация кўп жиҳатан миллийликни сақлаб қолишнинг усулларида бири сифатида глобаллашув жараёнида анъанавий жамиятлар учун қўл келмоқда. Бу ҳолат модернизация фақат ғарбий модернизация сифатида мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкинлигини яна бир марта исбот қилади.

Модернизация, интеграция ва глобаллашув прогрессив жараёнлардир. Улар миллатлар ва мамлакатлар олдига бу ўзгаришларнинг салбий оқибатларидан ҳимояланишни ҳам долзарб вазифа қилиб қўйди. Ўзбекистон учун бундай вазифани амалга оширишнинг бирдан – бир йўли бошқа миллий маданиятларга, янгиликларга ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлгани ҳолда ўзининг барқарор миллий маданий ва маънавий асосларига, яъни миллий маданият, миллий маънавият ва миллий қадриятларга эга бўлишини, уларни ҳимоя қилишни таъминлашдир. Глобаллашув шароитида ана шу йўл орқали ўзининг маданий идентификацияси, маданий ўзаги ва булар орқали миллий ўзлигини сақлаб қолиши мумкин. Чунки демократик тараққиёт бу кўр-кўрона ҳар қандай янги маданиятнинг кетидан қувиш ёки модернизация фақат ғарбий маданият асосида ўзгариш дегани эмас.

Ўзбекистон учун демократик тараққиёт ва модернизация ҳозирги даврнинг илғор, демократик ютуқларини миллий тарихий анъанавий маданият, маънавият ва қадриятлар билан уйғунлаштириш асосида амалга ошиши мақсадга мувофиқдир. Глобаллашув жараёнининг оқибатларини имкон борида зарарсизлантириш ва унга таъсир қилиш нуқтаи назаридан ўз-ўзини

англаш ва миллий англаш глобаллашувга таъсир этувчи асосий ижобий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Жаҳонда кечаётган иқтисодий-маданий интеграция жараёнида иштирок этишнинг бундай усули миллатнинг маданий ва маънавий яхлитлигини сақлаб қолишга, унинг миллий ўзлигидан чекинмасликка ва соф миллий-инсоний фазилатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг жаҳон интеграция ва модернизация тизимида ҳамда глобаллашув жараёнида миллий ўзликни англаш орқали иштирок этиши унинг прогрессив тараққиёт йўлидан боришини англатади.

Адабиётлар:

1. Носируддин Рабғузий. Қиссаи Рабғузий. 1-китоб. -Т.: Ёзувчи, 1990.
2. Ғаззолий З.М. Кимёи саодат (“Дил ҳақиқати”). Т., Камалак, 1995.
3. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
5. Библер О. От наукоучения к логике культуры: два философских введения в двадцать первый век. М.: Политиздат, 1991.
6. Манхейм К. Диагноз нашего времени. М., 1994.
7. Рац М. Диалог в современном мире. // Вопросы философии. 2004, № 10.
8. Гадамер Х. Истина и метод. М.: Наука, 1988.
9. Минюшев Ф.И. Социальная антропология. М.: Международный Университет Бизнеса и Управления. Братья Карич, 1997.
10. Орлова Э.А. Концепция социокультурного пространства. М., 2002.
11. Философия истории. Под ред. Панарина А.С. М.: Гардарики, 1999.
12. Ч.Айтматов, М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. -Т.: Шарқ, 1998.
13. Бартольд В.В. Сочинения. М., 1977.
14. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон,
15. Бегматов А. Маънавият фалсафаси. 2 – китоб. Т., 2006.

4. Модернизация даври ва инсоннинг ўзгариши

Таянч тушунчалар: инсон, “инсон-омма”, маданиятлар мулоқоти, ижод

Модернизация ва интеграция жараёнида маданиятлараро ва миллатлараро муносабатларнинг кенгайиб ва ривожланиб бориши натижасида инсоннинг моҳияти ҳам ўзгариб боради. Чунки ҳар қандай инсон объектив тарзда ўзи яшаётган жамиятнинг ижтимоий муносабатларига, интеграцияга алоқадор ва уларнинг таъсири остида бўлади. Бундай шароитда инсоннинг ўзига хос қадриятлар тизими шаклланиб борадики, у инсон учун ижтимоий ҳаётидаги ориентацияга айланади. Улар орқали инсон яна ижтимоий муносабатларга қўшилади, ўз фаолияти орқали уларга таъсир этади ва ўзи ҳам ушбу муносабатларни онгида инъикос этади. Демак, ҳар қандай инсон ижтимоийлашган инсондир. Глобаллашувнинг таъсирида эса у кўп жиҳатдан ижтимоий – глобаллашган инсон хусусиятига эга бўлиб боради.

Ҳар томондан бўлаётган турли ижтимоий-маданий таъсирлар шароитида миллий хусусиятларни ва белгиларни сақлаб қолиш ҳозирги куннинг асосий иуаммоларидан биридир. Бугунги бозор иқтисодиёти ва кишиларнинг бошқа мамлакатларга бориб ишлаши, дам олиши яшаши оддий ҳолга айланиб бораётган шароитда инсоннинг турли маданиятлар таъсирида шаклланиб бориши табиий. Миллий хусусиятларнинг маълум даражада камайиб бориши ёки сақланиб қолиши кўп жиҳатдан миллий онгнинг даражаси билан боғлиқ. Шароит тақозоси билан турли маданиятлар таъсирида шаклланган инсон ўзида ана шу турли маданиятларнинг синтезига хос бўлган жиҳатларни ва элементларни ифода этади. Маданиятлараро мулоқотларнинг тобора кенгайиб бориши, оммавий матбуот, телевидение ва коммуникатив технологияларнинг тараққий этиши эса ушбу жараённинг суръатларини янада тезлаштиради.

Маълумки, инсон муаммоси доим ҳам барча ижтимоий –фалсафий фанларнинг диққат-марказида бўлган. Бугунги глобаллашув кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган даврда инсон муаммосининг долзарблиги янада ошди. Глобаллашув муаммосига бағишланган бир қатор адабиётларда бу жараённинг таъсирида инсоннинг ўзига хослиги, уникалиги бошқалардан фарқ қилувчи томонлари, моҳияти, унинг ўзгача хусусиятлари, индивидуаллиги тобора йўқолиб бораётганлиги қайд этилмоқда ва буни олдини олиш учун турли усуллар таклиф этилмоқда.

Сўнгги йилларда яратилган айрим фалсафий тадқиқотларда XX аср испан мутафаккири Хосе Ортеге-и-Гассет томонидан қўлланилган “омма қўзғолони” (“восстание масс”) тушунчаси кўп учрайди. Муаллиф ўзининг фалсафий асарларидан бирига “Омма қўзғолони”, деб ном берган. Хосе Ортеге-и-Гассет мазкур асарида ҳозирги даврнинг асосий хусусияти “омма қўзғолони” орқали намоён бўлаётганлигини ва жамият оммавийлашиб бораётганини эътироф этади. Унинг фикрича, “омма қўзғолони” инсонларнинг бирхиллашув, яъни оммалашув томонига ўзгариб, тобора бир-бирига ўхшаб боришидир. У бундай инсонни “инсон-омма”, деб атайди. ““Инсон-омма” - шундай кишики, у ўзини яхши томонларини ҳам, ёмон томонларини ҳам баҳолай олмайди. У ўзини шундай, “ҳаммага ўхшаш” ҳис этади ва бундан ҳеч ким хижолат бўлмайди. Унга ўзини ҳаммага ўхшаш ҳис этиш ёқади” {1;49-44}. Бундай инсон ўртача, ҳамма қатори инсон бўлиб ўзига талабчанлик, ўз устида ишлаш, такомиллашиш, ўзига хос фикрлаш каби хусусиятлардан йироқ. У замон ва омма қаёққа еталаса, у шу ёққа оқим билан кетиши мумкин.

Албатта, жамиятнинг барча аъзолари шундай хусусиятга эга ва “инсон-омма”нинг моҳияти фақат салбий, деб айтиш нотўғри бўлади. Лекин юқорида тавсифланган “инсон-омма”нинг жамиятда кўпайиб бориши ва бу нарсанинг ижтимоий ҳаётга, маданият ва маънавиятга таъсири доим ҳам ижобий бўлмаслигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. “Инсон - омма”ни ҳаракатдаги одам (мобиль инсон), бир вақтнинг ўзида бир ерда ва ҳамма жойда мавжуд бўлувчи одам, деб ҳам айтиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай инсон алоҳида “мен” сифатида яшайди Лекин у оддий “мен” тарзида ёки ақлли, ўз-ўзини англаган “мен” бўлиши ҳам мумкин. Бундай “мен” оддий инсондан онгли равишда ўзининг ҳаётий тамойилларига, кадриятли танлов, кадриятли ориентацияга, англаган эркинлик ва шу билан бирга жавобгарлик ва маъсулият ҳиссига эгаллиги билан фарқ қилади. У ўзининг кадриятли танловини эркин ва шу билан бирга жавобгарлик асосида амалга оширади. Бу ҳолат кўпроқ инсоннинг ижтимоий моҳияти ва “маънавий баркамол инсонлиги”, баркамол шахс даражаси билан боғлиқ.

Ҳар бир инсоннинг онг остида, қалбида ўзининг туғма, алоҳида, ўзига хос “мен”лигини сақлаб қолишга ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишга интилиш мавжуд бўлади. “Бир томондан, ҳаёт ўзининг “мен”лигини ҳис этишдан ва уни ҳимоя қилишдан, бошқа томондан эса ўзининг “мен”лигини англашни йўқотиш истагига қарши курашдан иборат. Шундай қилиб, инсон борлиғи маълум маънода икки ёқлама. Инсоннинг ҳар бир қадами табиий муҳит ва жамият белгилаб берган шартлари ва талаблари билан чегараланади” {2;164}.

Инсон доим ўзига хослигини сақлаб қолиш учун кураш олиб боради. Бу соҳада у турли йўллар ва усулларни қидиради. Аммо шу билан бирга инсон ҳеч қачон бошқалардан алоҳида яшай олмайди. Унинг моҳияти ижтимоийлиги сабабли ҳам у фақат жамиятда ўзгалар орасида ва улар билан алоқадорликда мавжуд бўла олади. Лекин бу дегани унга хос бўлган хусусиятлар ва ўзгачалик бошқалар билан ўзаро алоқадорлик ва мулоқот тизимида йўқ бўлиб кетади, дегани эмас. Бу нарса инсоннинг кўп ҳолларда ўзига ўхшаган бошқаларсиз яшай олмаслигида, бир вақтда бошқалар билан бирхил ва айни пайтда ўзгачалигида, уларнинг таъсирини акс эттирган ҳолда, унинг ўзи ҳам таъсир эта олишида намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсон кўп жиҳатдан унга ўхшаган инсонлар ичида бошқалар билан бирхил ва шу билан бирга ўзининг уларга нисбатан ҳархиллигини сақлаб қолишга интилувчи мавжудот. Инсоннинг айнан ана шу хусусияти унинг жамоа ёки омма ичида “мен”лиги ва ўзлигини сақлаб қолишга имкон беради.

Ўзлигини сақлаб қолган инсон ўзлигини англаган, ўзини баҳолай олган инсон. Унинг инсон сифатида жамият томонидан объектив баҳоланиши аслида унга бўлган муносабатни ифода этади. Жамият доирасида эса бундай баҳоланиш умумий ва реал ахлоқий муҳитни белгилаб беради {3; 192}. Бунинг маъноси шундаки, агар жамият ушбу инсоннинг хатти ҳаракатларини ижобий баҳоласа ва оқласа бундай ахлоқий тартиб – қоидалар тўғри, деб топилади ва жамиятда тарқалади. Кўп ҳолларда улар жамият томонидан қабул қилинган ижтимоий қадриятларга айланиб борадилар.

Ҳозирги улкан ўзгаришлар замонида инсоннинг ўз-ўзини англаши уни ўзига хослигини сақлаб қолган инсон сифатида яшаши ва этностатусини сақлашнинг йўлидир. Бу нарса шахснинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлиб, унга таъсир этувчи салбий ҳодисаларга қарши курашда маълум тўсиқ ёки ҳимоя вазифасини ўтайди. “Ўзини ҳаққоний аниқлай (белгилай) олиш ўз-ўзини англаш маданияти шаклланишининг бошланғич шароити. Ўзини тўғри аниқлаш орқали шахс ўзини нотўғри идентификация қилишдан озод бўлиб боради, ўзини шакллантириш, бошқалар билан муносабат куришнинг ички асосларини куриш жараёнини тўғри амалга оширади. Ҳар бир инсон ўзини аниқлашнинг чексиз имкониятларига эга бўлган ўзига хос микрокосмдир” {3; 192}.

Ҳар қандай шароитда ҳам ижтимоий ва шахсий қадриятлар мавжуд. Индивид ўзи яшаётган жамиятнинг ижтимоий қадриятлари асосида ўзига хос ижтимоий ориентацияга эга. Ижтимоий қадриятлар индивиднинг онгини эгаллаб боради. Лекин ҳар бир индивид ўзига хос шахсий қадриятлар ориентацияси ва идеалига эгаллиги сабабли ҳам ҳар қандай ижтимоий қадриятлар шахсий қадриятлар “назоратидан”, “элагидан” ўтади. Ана шундай “назорат” асосида ижтимоий қадриятлар индивид онгида қайта “ишланади” ва баҳоланади. Улар индивиднинг ўзига хослиги ва қайтарилмас ягоналиги доирасида сайқалланиб маълум моҳият касб этади. Индивиднинг ана шундай ўзига хослиги, маданияти, дунёқараши унинг онгини тўла унификациялашиб кетишини олдини олади.

Демак, модернизация ва глобаллашув шароитида унификация ва универсаллашув ҳодисалари қанчалик ривожланмасин, улар инсонларнинг турли-туманлиги ва ўзгачалигини, бошқалардан фарқ қилиб турувчи онглилик даражаси, ҳис- туйғуларининг ўзига хослигини тўла йўқ қилиб юбора олмайди. Бу фикрлардан келиб чиқадики, маданият, маънавият, менталитетнинг айрим хусусиятлари ва элементлари бирхиллик, оммавийлик томонига ўзгариши мумкин, лекин ўзига хослик ва ўзгалардан фарқ доим сақланиб қолади. Мавжуд турли-туманлик субъектлар ва уларнинг аксиологик ориентациялари, эҳтиёжлари ва танловининг турли-туманлиги орқали белгиланади. Аксиологик танловнинг имконлари қанчалик кўп бўлса, маданият турли-туманлигининг имконлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Инсон аксиологик танловни амалга ошириши билан бирга ўзининг ўзгачалиги, менталитети ва маданий-маънавий ҳаётини ҳам амалга ошириб боради. “Менинг ўзим ўзим учун ва ўзгалар учун жавобгарман ... ва ўзим танлаб олган аниқ бир инсоннинг қиёфасини яратаман; ўзимни танлаб олиш билан бирга мен умуман инсонни танлаб оламан” {4;324}.

Онглилик инсоннинг асосий моҳияти бўлганлиги сабабли ҳам қайд этилган жиҳатлар доимо сақланиб қолади. Чунки моҳият, хусусият, ўзига хослик кабилар уларни ташувчи объектлардан ажралмас ҳодисалар бўлиб, улар доим такомиллашиб боради. “Инсон бўлиш қобиляти унинг фаолиятига тенг бўлмаслик қобиляти. Бошқача қилиб айтганда, инсон ўзи яратганлардан ўтиб кетади. Потенциал жиҳатдан инсоннинг қобилятлари чексиз” {2;172}. Юқоридаги фикрни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, барча объектив ҳодисалар қатори инсон ҳам ўз тараққиётида чексиз. Бу нарса инсон яратувчилик жиҳатларининг ҳам чексизлигини билдиради. Инсон ўзининг яратувчилик қобилятини доим ривожлантириб боради. У бугунги эришган потенциали билан чекланиб қолмайди. Яъни у ўзини ўзи илгари суради, ўзининг ҳозирги ҳолатидан ўзиб кетишга имнтилади. Бундай илгарилаб бориш инсонни ўзи эришган ютуқларидан қониқмасдан тинмай ижод қилишга чорлайди. Бу ҳодисалар инсон онгининг креативлик хусусиятини ифода этади.

Ижод инсон динамикасини белгилаган ҳолда унинг ўзига хос индивидуаллигини, атроф муҳит ва объектив ҳодисалар унинг учун доим ҳам етарли эмаслигини ва улардан қониқмаслигини англатади. Ижодда инсон ўз-ўзини ривожлантиради, унинг маънавий дунёси кенгаяди ва бойийди. Инсон ўз ижодини жамиятга, бошқаларга бериши билан бирга ўзи ҳам ўзгариб боради. Бундай динамика албатта, янгилик ва индивидуаллик яратади. Ҳар қандай ижод ва янгиликка бўлган интилиш маълум маънода мавжуд реалликни, ўрнатилган тартиб қоидаларни ўзгартиришга, яхшилашга баъзан эса уларга қарши курашишга бўлган интилишни англатади. Бу нарсалар креативлик асосида инновацион онгнинг шаклланишини белгилайди. Бундай интилиш орқали инсон, миллат ўзининг мавқеини ва ўзгачалигини белгилайди (ҳамма билан бирхил бўлиш ўз мавқеини йўқотишга олиб келади). Ижод жараёнида ва унинг давомида инсоннинг ўзи ҳам ривожланади. Шу сабабли ҳам модернизация ва глобаллашув жараёнлари барча инсонларни оммага айлантириб қўяди, унинг натижасида ўзгачаликни белгиловчи моҳият ва ўзига хослик йўқолади, деб таъкидланган фикрларга қўшилиб бўлмайди.

Турли миллатларга мансуб бўлган кишиларнинг ўзига хослиги ҳақида гапириб, Минюшев Ф.И. қизиқ далилларни келтиради. У Алан Пизнинг “Язык телодвижений” (“Тана ҳаракатларининг тили”) номли китобида ёзганларига асосланган ҳолда ҳар бир инсонни ўзининг ижтимоий ҳимоя зонаси ва ҳудуди бўлишини ва улар турли миллатларда турлича эканлигини таъкидлайди. Унинг айтишича, инсоннинг макондаги шахсий масофаси аҳолининг зичлигига боғлиқ, яъни бу масофанинг ўлчами миллий ва ижтимоий жиҳатдан шартланган. Масалан, японлар аҳолининг ўта зичлигига ўрганиб қолган бўлсалар, бошқалар дистанция сақлашни ҳоҳлайди. Ҳатто театрда креслоларнинг қўйилишида ҳам миллий хусусиятлар эътиборга олинади. Кўпчилик Европа миллатларида у масофа 23-25 см., америкаликларда 46 см. ни ташкил этади {5;116-118}. Қайд этилган жиҳатлар маълум маънода кишиларнинг эркинлигини ҳимоя қилувчи зона (майдон), белгиланган чегара ёки тўсиқ, деб айтиш мумкин. Демак, ҳозирги замонда

инсонга таъсир этувчи ҳодисалар қанчалик кўпаймасин, ҳар бир инсон ўз индивидуаллиги, ички дунёсининг ўзига хослиги ва қайтарилмаслигини сақлашга интилки туфайли у омма билан тўла қоришиб кетмайди.

Шу билан бирга эътироф этиш керакки, модернизация натижасида барча инсонлар ва миллатлар ҳаёти айрим жиҳатларининг универсаллашуви ва унификацияга учраши ҳақидаги фикрларда жон бор. Бугунги кунда кўпроқ “иқтисодий инсон”, “бозор инсони”, “креатив инсон” ва ҳ.к.лар ҳақида сўз юритилмоқда. Бундай инсон энг аввало, иқтисодий муваффақиятга, моддий манфаатдорликка, каръера, барча соҳаларда натижага эришиш, ҳаётида кўпроқ рақобатбардошлик томонга ориентациялашган (йўналтирилган) *homo economicus*.

Қайд этилган бундай жараённинг инсон билан боғлиқ бўлган натижаларидан бири сифатида шахснинг тобора оммалашиб, кўп ҳолларда ҳатто тўдалик хусусиятларига эга бўлиб бориши ҳодисасини айтиб ўтиш мумкин. Бундай ҳодисанинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Қадимий фалсафага “стультус” (“тентак” - ижобий маънода), тушунчаси маълум эди. Бу тушунча шахснинг тараққиётида ўзини бошқара олмайдиган инсонни англатган. “Стультус” тартибсиз, ўзини эргаштириб кетишга йўл қўювчи, аниқ бир машғулот билан шуғулланмайдиган, ўз ҳаётини қайси томонга кетиши барибир бўлган ва ўз иродасини ҳеч қандай мақсадга йўналтирмайдиган инсон. Ундай инсоннинг ҳаёти хотирасиз ва иродасиз тарзда кечади. У ўз ҳаётини доим ўзгартириб туради, ташқаридан келадиган ҳар қандай таъсирга очик, бошқаларнинг тасаввурларини танқидий қарамасдан қабул қилади ва ҳ.к. {5;88}.

Модернизация, глобаллашув ва унинг контекстида инсон ҳақида гапирилганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бир қарашда масалан, глобаллилик кўпроқ салбий маъно касб этадигандек туюлади. Лекин глобаллашув ва глобалашув инсонининг моҳиятига чуқурроқ кириб борсак, унинг ижобий томонлари ҳам кўп эканлигига амин бўламиз. Бундай инсоннинг салбий жиҳатларини инкор этмаган ҳолда, унинг ижобий томонларига эътиборни қаратмоқчимиз. Бундай инсоннинг хусусиятлари қуйидагилар. У:

- ўз маданиятинигина эмас, бошқа маданиятни ҳам ўзлаштириши натижасида унинг дунёқараши, маданияти, маънавий дунёси, билимлилик даражаси нисбатан кенг бўлиши мумкин;

- ўз маданиятини бошқа маданиятлар билан солиштириш ва унга танқидий қарай олиш, миллий қадриятларини реал баҳолаш ва зарур бўлганда қайта кўриб чиқа олиш салоҳиятига эга;

- глобаллашув инсони онгида кўп ҳолларда эмпирик ва рационаллик даражаси, реализм, креативлик, прагматистик ёндашув ҳис-туйғуга нисбатан кўпроқ;

- глобал инсоннинг ўз маданиятига янги элементлар ва янги дунёқарашни олиб келиши қобилияти кенгроқ ва ҳ.к..

Аммо, шу билан бирга глобаллашув инсонининг салбий жиҳатларини ҳам эътироф этиб ўтиш лозим. У бошқа маданиятнинг кучли таъсири остида ўзининг жамият тараққиётига хизмат қилувчи миллий анъаналари, кучли ижтимоий – маънавий потенциалга эга бўлган миллий қадриятлари, бир сўз билан айтганда, миллий ўзакларидан йироқлашиб кетиши мумкин. Унинг оқибатида глобал инсон нафақат илғор маданиятни олиб келувчи субъектга, айрим ҳолларда миллий маънавиятга путур етказувчи маданият элементларини ҳам ташувчисига айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Демак, ҳозирги замон инсони маданиятлараро ва миллатлараро муносабатлар доирасида бир неча маданий тизимга хос бўлган қадриятларни ўзлаштириб олган ва қисман ўз миллий маданиятидан йироқлашиб бораётган инсондир. Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, модернизация даврида инсоннинг ўта замонавийлашиб ва глобаллашиб кетиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай инсон модернизация ва глобаллашувнинг ўта фаол кишисига айланиб кетса, у ўз маданиятидан йироқлашиб, турли маданий тизимларга мос тушувчи анафемага айланиб қолиши мумкин {6;175}. Ҳозирги даврда инсоннинг ўз миллийлиги ва миллий маданиятидан йироқлашиб кетиши чегаралари қандай бўлиши мумкин, қайси ҳолларда бундай чегара хавфли ва

кайси ҳолларда фойдали, каби саволларга тадқиқодчилар, психологлар жавоб излашлари муҳимдир.

Ҳозирги замонда жамият инсоннинг тарбияси билан боғлиқ бўлган муаммоларга эътиборни қаратмаса ёки ушбу вазифани вақтида бажармаса, инсоннинг давр руҳига мос равишда қандайдир бир глобал қоришмага айланиб қолиши хавфи пайдо бўлади. Бундай глобал қоришма турли манфаатдор субъектлар учун жуда қулай бўлиб, ундан ўзларига зарур ва мос бўлган инсонни “ясаб” олиш осон бўлади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, умуман инсон онгига эскиликни, яъни маълум бўлган нарсани қабул қилишдан кўра кўпроқ янгиликни қабул қилиш хос. Жамиятнинг ижтимоий психологияси ҳам янги нарсани қабул қилишга кўпроқ мойил бўлади. Янгилик маълум бўлган ва эскирган нарсадан кўра кизиқроқ, шу сабабли ҳам у инсоннинг онги ва психологиясига тезроқ ва осонроқ таъсир қилади. Бундан ташқари янгиликнинг ўзи билан бирга комфорт (қулайлик) ва кутилмаган инновацияларни, кишиларнинг кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни олиб қилиши ҳам унинг янада тезроқ ёйилишига имкон яратади.

Халқимизнинг ҳаётида сўнгги 10-15 йил ичида юз берган ўзгаришларга назар ташласак, унинг қанчалик тез ва шиддат билан ўзгариб бораётганлигини кўрамиз. Бу ҳолат ҳаётимизнинг барча йўналишларида: иқтисодий, маданий-маънавий, таълим, кундалик турмуш тарзи, кийиниш, дам олиш ва бошқаларда яққол кўзга ташланмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳодисалардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, глобаллашув билан боғлиқ ҳолда юзага чиқаётган ҳодисаларнинг олдини олиш қийин ва тўхтатиб қолиб ҳам бўлмайди. Бу ерда гап миллий маданият ва маънавиятни, қадриятларни замонавий янгиликлар асосида такомиллаштириб бориш, ҳамда шахс онгини ҳимоя қилиш тўғрисида бормоқда.

Маданий соҳанинг тенденцияларига эътибор берсак, унда Ғарб маданиятининг элементлари тобора кўпайиб бораётганига амин бўламиз. Янги даврда пайдо бўлган ва “ғарбий фаоллик” деб ном олган маданий установка

борлиққа фаол ижодий муносабатни шакллантиришга қаратилган эди. Бундай муносабат дунёнинг барча мамлакатлари ва халқларига, тарихига улкан таъсир кўрсатди. У келиб чиқиши жиҳатидан ғарбий бўлсада, вақтлар ўтиши билан бутун дунё цивилизациясининг хусусиятига айланди. XIX-XX асрларга келиб бундай хусусият ғарбий маданиятдан йироқ бўлган бошқа маданиятлар ва инсонлар учун ҳам оддий табиий ҳолга айланди {2; 202}.

Кириб келаётган янги маданият албатта, маҳаллий маданият томонидан имкони борица қаршилиққа учрайди, у тўла ҳукмрон бўла олмайди. Бундай қаршилиқ эвазига ушбу янги маданият ҳам кўп жиҳатдан таъсирга учраб трансформация бўлган ҳолатда, қисман моҳиятини ўзгартирган тарзда кириб боради. Шу сабабли ҳам маҳаллий маданиятнинг ўзига хослиги ҳар қандай шароитда ҳам сақланиб қолади. Ғарб маданиятининг таъсири дунёнинг турли ҳудудларида турлича бўлиши мумкин. Бундай ҳолат маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни унинг ташқи таъсирларга қарши тура олиш потенциали, унда традиционализм ва консерватизмнинг қай даражада намоён бўлиши каби жиҳатлари билан боғлиқ. Шунга қарамасдан эртами кечми модернизация ва интеграция жараёнининг қонуниятлари асосида маҳаллий маданиятнинг хусусиятлари ва моҳиятининг ўзгариб бориши аниқ.

Инсон хусусиятларининг ўзгариб бориши албатта, унинг миллий моҳиятига ҳам таъсир этиб боради. Маълумки, ҳар қандай миллий маданият, энг аввало, миллатнинг бошқа миллий маданиятлар тизимида эгаллаган ўрни, жаҳон цивилизациясидаги ҳиссаси, ўзига хосликлари билан белгиланади. Ижтимоий антропология соҳасида бу муаммо этностатус (этномавқе) деб аталади. Минюшев Ф.И. этностатусни ижтимоий статуснинг бир қисми сифатида таъкидлайди ва унинг бир қатор жиҳатларини санаб ўтади. Унинг фикрича, этностатус қуйидагилардан ташкил топган: “а) объектив омиллардан (этнос вакилларининг бошқарув тизимида киритилганлиги, қирим даражаси, билимлилиги); б) этник онгнинг феноменлари: бутун миллат ва гуруҳларнинг этнос ичида ўз-ўзини англаши, ўзаро контактда бўлган этносларнинг баҳоси” {5;73}.

Модернизация ва глобаллашув жараёнларини миллатларнинг этностатусига таъсир этиши натижасида кичик сонли миллатларнинг ўз мавқеларини сақлаб қолиши ёки мустаҳкамлаши билан боғлиқ бўлган муаммолар пайдо бўлиши табиий. Уларнинг маданияти баъзан сон жихатдан кўп бўлганлиги, баъзан эса маҳаллий миллат бўлганлиги сабабли этностатуси юқори бўлган миллатларнинг маданияти билан ўзаро алоқага кириши натижасида ўз моҳиятини ўзгартириб юбориши мумкин. Тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги даврда турли этномаданиятларга тегишли бўлган ўзига хосликни сақлаб қолиш бутун жаҳон ҳамжамияти учун катта ижтимоий муаммога айланган. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳар бир миллатнинг кичик ёки катталигидан қатъий назар, ҳуқуқларини ҳимоя этувчи гуманистик моҳиятга эга бўлган турли этномаданият ҳуқуқларининг тенглигини тан олувчи маданий диалог сиёсатини олиб бориш зарурати туғилди. Бу эса албатта, давлатнинг демократик тамойилларга қай даражада амал қилаётганлиги ва глобаллашув субъектларининг амалдаги ҳатти –ҳаракатлари билан боғлиқ.

Адабиётлар:

- 1.Ортеге-и-Гассет Х. Восстание масс // Ортеге – и -Гассет Х.Дегуманизация искусства и другие работы.-М., 1991.
- 2.Шаповалов В.Ф.Основы философии современности. К итогам XX века. М.: Флинта-Наука, 1998.
- 3.Скворцов Л.В.Культура самосознания. Человек в поисках истины своего бытия. М.:Издательство политической литературы, 1989.
- 4.Сартр Ж.-П.Экзистенциализм - это гуманизм. В кн.Сумерки богов.- М., 1990. 324 б.
- 5.Минюшев Ф.И. Социальная антропология. М.: Международный Университет Бизнеса и управления. Братья Карич, 1998.
- 6.Современная западная социология. М., 1990.

5. Модернизация жараённинг субъектлари

Таянч сўзлар: инновация, инновацион жамият, инновацион онг, креативлик, креатив гуруҳлар.

Жамиятда модернизация жараёнлари мунтазам амалга ошиб борган. Модернизация жараёнларининг қандай бориши, унинг суръатлари ва йўналишлари кўп жиҳатдан субъектив омилга боғлиқ. Кишилар бу жараённинг ҳам объекти, ҳам субъектлари ҳисобланади. Жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучлари инсонлар. Фақат улар турли даврларнинг руҳига, жамият олдида турган вазифалар ва бошқа ижтимоий ҳодисаларга боғлиқ ҳолда ҳар хил вазифаларни бажарганлар. Модернизация баъзан тез суръатлар билан, баъзан секинроқ кечган. Унинг суръатлари субъектив омилнинг хусусиятлари, фаолияти, мақсад ва вазифалари билан боғлиқ.

Ўзбекистонда ҳам модернизация, янгиланиш кенг кўламда амалга ошмоқда. Ҳозирги давр тараққиёт суръатларининг ниҳоятда тезлашиб бораётганлиги, жамият ва инсон ҳаёти, турмуш тарзининг тубдан янгиланиб бораётганлиги аниқ. Бундай янгиланиш жараёнларига мос равишда кишиларнинг дунёқараши, тафаккури, онги ҳам тез суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Жамиятда амалга ошаётган ўзгаришлар ва инсон ҳаётига кириб келаётган инновацияларнинг жамият онгида акс этиши, ижтимоий онгнинг ана шу янгиликларни англаб етиш ва акс эттириши масалаларини фалсафий таҳлил этиш муҳим вазифадир.

Модернизация натижасида инновацион жамият шаклланмоқда. Ҳозирги давр Ўзбекистоннинг ҳам дунё ҳамжамятининг фаол субъектига айланиб бориши, модернизация ва интеграция жараёнларида кузатувчи эмас, фаол иштирокчи бўлиши субъектив омилнинг фаолияти билан боғлиқ. Демак, субъектив омил бу жараёнларни англаб етиши,

фаолиятини унга мослаши ва давр чақириқларига жавоб бера олиши учун унинг онгида замонга мослашувчанлик, креативлилик, янгича ёндашувлар, тинмай ўз устида ишлаши, инновацияларни қўллай олиши ва онгида замонавий илғор кадриятлар ориентациясини акс эттириши зарур.

Инновациялар ижтимоий феноменга айланиб, Инновацион жараёни бошқариш муҳим ижтимоий муаммога айланди. Ўз-ўзидан савол туғилади: инновацияни тарқатувчилар кимлар? Бу жараёнда кимлар фаоллик кўрсатади? Ишлаб чиқарувчиларми, бошқарувчиларми ёки етакчиларми? Бу масалани ёритишда кўплаб ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари креатив гуруҳларни, бошқалари, креатив синфни ва учинчилари эса етакчилар гуруҳларини инновацияларни ташувчилар сифатида қарайдилар.

Модернизация доим ҳам янгиликка интилиш, унга ориентация қилиш билан боғлиқ бўлган. Бу ҳолат жамиятнинг турмуш тарзи, ижтимоий кайфияти, характери ва бошқаларда ифода этади, кўп ҳолларда кишилар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборади [1.131]. “Модернизация” тушунчаси жамият ва унинг тарихини мунтазам тарзда янгиланиб боришини англатган ҳолда тарихий жараённинг хусусиятини, давомийлиги ва узлуксизлигини ифода этади. Прогрессив тараққиёт модернизациясиз амалга ошмайди. Чунки тараққиётнинг мантиқий давомийлиги албатта, янгиликка интилиш ва инновацияларнинг кириб келиши билан боғлиқ.

Жамият ва инсониятнинг оддийдан мураккабга томон мунтазам такомиллашиб бориши модернизация доирасида амалга ошганлиги сабабли модернизация тарихий тараққиёт мантиқий эволюциясининг асосида мавжуд бўлади. У узлуксиз ва давомий. Модернизация жамиятнинг янгиланиб боришига, демак, ривожланишига олиб келади. Фақат шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, бу жараённинг суръатлари турли даврларда турлича бўлиб, жамият тарихининг бурилиш даврларида кескин кўтарилишлар, масалан, фан ва техника соҳасидаги инқилоблар, Уйғониш даврлари, маданият ва санъатнинг тез суръатлар билан тараққий этиши, дунё

динларининг кенг тарқалиши каби тарихий ҳодисаларнинг натижаси жамиятда улкан модернизация жараёнларига сабаб бўлиб, юксак тараққиётга олиб келган.

Турли даврларда модернизациянинг асосида турган потенциали турлича бўлиши мумкин. Масалан, унинг асосида фан ва техника, маданият, дин ёки санъат ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундай ҳолат давр руҳи билан белгиланади. Улкан кашфиётлар даврида Европада модернизациянинг йўналишини илм-фан белгилаган бўлса, Шарқда дин ва маънавият, кейинроқ эса илм-фан тараққиёти белгилаганлиги маълум.

Иқтисодиёт, социология ва тарих фалсафаси фанларига улкан ҳисса қўшган энциклопедист олим Ибн Халдун ислом динининг тез суръатлар билан тарқалганлигини айтади. Унинг таъкидлашича, “Макка ва Мадинада УII асрнинг 20-30 йилларида бўлиб ўтган ҳодисалар, бор-йўғи қандайдир йигирма йил ичида бутун дунё тарихий аҳамиятига эга бўлган ўзгаришларга олиб келди: Арабистон ҳудудида уруғ-қабилачилик тузуми емирилди. У билан бирга унинг бутун ахлоқий ва дунёқараш тизими ҳамда аввал барча томонидан тан олинган ижтимоий ва маънавий қадриятлар ҳам ўз аҳамиятини йўқотди» [2.140]. Кўриниб турибдики, янги дунёвий диннинг қисқа давр ичида тарқалиши арабларнинггина эмас, балки бутун дунё тарихига ҳам кучли таъсир этиб, уни ўзгартириб юборди.

Ҳар қандай модернизациянинг натижаси у қайси соҳада юз бермасин, маълум янгиликнинг кириб келишидан иборат. Бунинг таъсирида илғор ва прогрессив инновациялар тарқалади. Жамият ўзгаришлар ва тараққиёт асосида тобора янгиланиб боради. Бу эса мунтазам янгиланиб бораётган, **“инновацион” жамиятнинг** шаклланишига олиб келади.

Янгиланиб бораётган жамият, маълумки, бу мунтазам такомиллашиб ва тараққий этиб бораётган жамиятдир. Инновациялар, барча соҳаларда тарқалаётган замонавий янгиликлар бўлиб, улар янги технологиялар, методлар, янгича ёндашувлар, замонавий ва қулай товарлар, фан ва техниканинг энг олдинги ютуқлари, на-на технология кабиларга асосланган.

Ҳозирги кунда инновациялар жамият динамикасини белгилаб берувчи омиллардан бирига айланиб бормоқда. Таъкидлаш мумкинки, модернизация ва инновациялар жамият тараққиётининг асоси ва шарти экан. Демак, инновацион жамият бу янгилашиб, ўзгариб бораётган жамият.

Модернизацияни тадбиқ қилувчилар албатта, субъектлардир. Уларнинг модернизация ва инновацияларга муносабатлари, потенциали, онглилик даражаси, тараққиёт талаблари ва “чақириқларига жавоб бера олишлари” (А. Тойнби), ўз ҳаётлари ва фаолиятларида уларни қўллаш олишлари жамиятда амалга ошаётган модернизациянинг суръатларини белгилайди.

Инновация янги моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган мураккаб жараён бўлиб, у кишиларнинг янгича фаолиятига асосланган ва жамиятда муҳим ижтимоий ўзгаришларга олиб келадиган ижтимоий феномендир. Инновациялар ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва кишиларнинг кундалик турмуш тарзига ва фаолиятига чуқурроқ кириб келаётганлиги сабабли субъектлар амалда инновацион технологиялар ва методларни қўллашлари ва улардан кенг фойдаланишлари, мазкур ўзгаришлар, янгиликларни англаб етганлари ҳолда замон руҳига жавоб бера олишлари ва ўз фаолиятларини инновацияларга мослаштира олишлари зарур бўлади. Бу нуқтаи назардан жамият аъзоларининг:

а) инновацион жамиятни акс эттирувчи инновацион онгга асосланишлари;

б) инновацион фаолият олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Инновацион фаолият бу янгилик яратишга ва унинг натижаларини амалда қўллаш ва соҳани такомиллаштиришга йўналтирилган фаолият бўлиб, у мавжуд тизимга янгилик асосида ўзгартириш киритиш орқали кўпроқ самара олишга қаратилган. Бундай фаолият орқали кишилар инновацион жамиятнинг янгича муносабатларини шакллантирадилар, ўзлари ҳам бундай муносабатларга чуқурроқ кириб борадилар ва тобора фаоллашадилар.

Жамиятда шаклланиб бораётган янги кўникмалар, ёндашувлар асосида

янги инновацион кадриятлар тизими юзага келади. Инновациялар кўпайиб боргани сари жамият аъзоларининг онгида инновацион жамиятда юзага келаётган муносабатлар, янгича ёндашувлар, янгича турмуш тарзининг турли жиҳатлари, ҳаётга фаол муносабат, ўз фаолиятида эса креативлик хусусиятлари кўпроқ акс этиб боради. Бундай онг сўнгги даврдаги фалсафий адабиётларда “инновацион онг” деб юритилмоқда. Демак, инновацион онг янгича асосга эга бўлган кадриятлар, кўникмалар, янгича йўналтирилган ва кўпроқ янгиликка интилаётган дунёкараш асосида тараққий этади. Инновацион онг ижодий онг бўлиб, у инсонни доимий равишда ҳаётида ижодий ёндашувга эга бўлишини, креативликни, ўзидан ўзиб кетиши учун интилишини талаб этади.

Инновацион жамиятда кишиларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олиши уларнинг қанчалик инновацион жамиятнинг янги муносабатлар тизимига, турмуш тарзи ва унинг қоидаларига кириб бориши ва уларда фаол иштирок эта олишига боғлиқдир [3.73]. Инновациялар кишилар ҳаётини, турмуш тарзи ва ҳаётий қоидаларини ташкил этувчи ва маълум ҳатти-ҳаракатларга йўналтирувчи омилларга айланиб бормоқда. Масалан, фаоллик ва ўзидан қоникмаслик инсоннинг ўз фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳамда унга янгиликларни жорий этишга ундайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, инсон пайдо бўлганидан бошлаб мукамалликка интилади. Доим ҳам янги фикрлар, креативлик, ижод унинг ажралмас хусусияти бўлиб борган. Инсонлар давр руҳига ва ўз манфаатларига мос равишда фаолиятларини янгича ёндашув, янгича ҳаётий позиция, илғор ва қулай усуллар асосида қуришга интиладилар. Булар барчаси пировардида мамлакатнинг гуллаб яшнаши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг юксалишига таъсир кўрсатади.

Модернизация ва инновацияларни ўз ҳаётига тадбиқ этаётган давлатлар албатта, унинг оқибатларини англаб етишлари зарур. Модернизацияни бошдан кечираётган мамлакатлар унинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг тубдан ўзгаришига,

миллий рухга эга бўлган маънавий ахлоқий қадриятлар тизимининг трансформацияга учраш ҳодисасига тайёр бўлиши кераклиги модернизациянинг ўз объектлари олдига қўядиган талабидир.

Модернизация ва инновациялар билан боғлиқ тарзда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар уни амалга оширувчи субъектлардан нафакат иқтисодий ва сиёсий, балки маданий-маънавий, ахлоқий соҳаларда ҳам ўзига хос янги тафаккур ва янги фикрлашни талаб этади. Жамиятда амалга ошаётган модернизация жараёнларини барча халқлар ва миллатларга мос келадиган гуманистик ва ахлоқий тамойиллар ҳамда барча томонларнинг манфаатларига тўғри келадиган диалог асосида олиб боришни талаб этади.

Маълумки, ҳозирги кунда модернизация жараёнларининг натижаси сифатида инновацион жамият ва инновацион онгнинг шаклланиши унга боғлиқ равишда креативлик, креатив ёндашув масалаларини ҳам ўрганишни тақозо этади. Инновацион жамиятнинг шаклланиши унинг аъзоларидан замон руҳига ҳозиржавоб бўлишни, рақобатбардош шахс сифатларига эга бўлишини, ўз фаолиятини инновацион асосда бугунги кун талабларига мослаштири олишини талаб этади. Демак, бу объектив жараёнда инновацион онг ва креативлик (ижодий ёндашув) жамият тараққиётига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Қайси соҳада бўлмасин, креативлик кишилардан ўз фаолиятида янгиликларни жорий этиш, қилаётган ишида иждоий ёндашув, инновацион технологияларга нисбатан ҳозиржавобликни талаб этади ва тараққиётга ижобий таъсир этади. Креативлилик бажарилаётган ишда албатта, бирор бир натижага эга бўлиш, ўзини турли соҳаларда синаб кўриш ва шахснинг ўзини реализация қила олишига ҳамда интеллектуал потенциалини эҳтиёжидан каелиб чиқиб муҳим восита сифатида қўллаи олишига имкон яратади.

Жамиятда инновацияларнинг тарқалиши, инновацион ва креатив ёндашувнинг шаклланишида “креатив гуруҳлар” муҳим роль ўйнашлари

мумкин. “Креатив гуруҳ” – креатив ёндашув ва инновацион жамият субъектларининг ядроси ҳисобланади. Креатив гуруҳ бу замонавий эҳтиёжларга, чақириқларга жавоб бера оладиган, юксак интеллектуал потенциалга эга бўлган ҳамда ўз фаолиятини инновацион асосда ташкил этиш орқали бошқаларга намуна бўлиб, уларни эргаштира оладиган юксак малакали мутахассислар гуруҳидир.

“Креатив гуруҳ” тушунчаси 2002 йилда америкалик олим менеджмент мактабининг профессори ҳамда Торонто университети қошидаги Иқтисодий фаровонлик муаммолари институтининг директори Р.Флорида томонидан **“креатив синф”** тушунчаси сифатида қўлланилган. Унинг креатив гуруҳ назарияси “Учта Т” (технология, талант, толерантлик) деб номланиб, креативлик ва креатив синфларни (гуруҳларни) тавсифлайди.

Р.Флорида креатив синфни келажакни ўзгартириши мумкин бўлган кишилар гуруҳи сифатида тавсифлайди [4.421]. Бу гуруҳнинг таркиби креативликнинг ядроси бўлиб, унга илм-фан, техника, архитектура, дизайн, таълим, санъат соҳаларида банд бўлган мутахассислар бирлашган. Бундай гуруҳлар қуйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, улар янги ғоялар, технологиялар ва креатив мазмунга асосланган иқтисодий функцияни бажарадилар. **Иккинчидан**, гуруҳ аъзолари мустақил ва ўзига хос тафаккурга эга бўлганлиги сабабли мураккаб вазифаларни бажара оладилар. **Учинчидан**, креатив гуруҳлар ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий, маданий, технологик жиҳатларга эга бўлиб, улар креативлик, ўзига хос хусусиятлар ва шахсий хизматларга эга бўлган умумий “ижодий этос”ни ташкил этадилар [4.23-24].

Анъанавий қадриятлар инновацияларнинг кириб келишига ва креативлик руҳини юзага чиқишига ҳалал беради. Шунга кўра креатив синфлар ўз-ўзини идентификация қилишлари қийинлиги сабабли қадриятлар ўртасида конфликтлар келиб чиқади. Демак, энди креатив ҳамкорлик зарур бўлади. Креатив муҳит ҳам бу борада муҳим бўлиб, у инновацияларнинг тарқалишига ёрдам беради. Креативликни ривожланишда иқтисодий ва

меҳнат потенциали, ёшларнинг сони ва университетлар муҳим ҳисобланади. Олим Питтсбург шаҳрини мисол келтириради. Шаҳарда 15 та университет мавжудлиги, илғор технологиялар асосида саноат тараққий этганлиги, киши бошига даромаднинг юқорилиги, инновацияларни шаҳар ҳаётига тобора кенгроқ кириб келаётганлиги сабабли у креативликнинг маркази бўлиши мумкин. Бу креатив база бўлиб, унинг асосида креатив ҳамкорлик (саноат, молия, фан, маданият, санъат ва бошқалар ўртасида) ва унинг мафкураси шаклланади.

Албатта, турли соҳалар ичида креатив иқтисодиёт асосий ҳисобланади. Унинг шаклланиши эса университетларга, демак, таълим тизимига боғлиқ. Университетлар креатив иқтисод ва рақобатбардошликнинг ўсишига ёрдам беради. Бу ерда креатив марказлар (университетлар) муҳим бўлиб, уларда “Т” технология, талант ва толерантлик асосий ҳисобланади. Чунки университетлар:

- а) илғор технология марказларидир;
- б) илғор ғоялар берувчи талантларни бирлаштиради;
- в) очиқлик ва сабрлилик муҳитини яратиб, креатив синфни чақиради ва шакллантиради.

Демак, университетлар жамият ҳаётининг сифати ва даражасини яхшиланишига таъсир этади. Аммо уларнинг фаолияти етарли бўлмаганлиги сабабли креатив ҳамкорлик зарур бўлади. Улар интеллектуал мулкни сақлаб қолади. Интеллектуал мулкни иқтисодий ресурсга айлантириш учун мавжуд креатив ҳамкорлик доирасида уни тўғри мобилизация қила олиш зарур. Креатив синфни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун “инсоний муҳит” лозим. Инсоний муҳит инсон ресурсларини, айниқса креатив кишиларни олиб келишга ва ушлаб қолишга қаратилган умумий стратегия ҳисобланади. Бундай муҳит креатив турмуш тарзини тақозо этади.

Юқорида қайд этилган креатив муҳит доим ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки у кўпинча анъанавий шаҳар ҳаётига мос келавермайди. Лекин шунга қарамасдан, бундай муҳит Р. Солнит и С. Шварценбергларнинг фикрича, шаҳарнинг аввалги структураси ҳамда ўзига хос маданияти учун

зарарли бўлсада, креатив муҳит шаҳарнинг келажагига хизмат қилади. У шаҳарнинг келгусида креативликнинг марказига айланиши учун катта аҳамиятга эгадир [5.188]. Чунки бундай шаҳар вақт ўтиши билан таълим, иқтисод, маданиятни уйғунлаштирган ҳолда инновациялар тараққиётига таъсир этади.

Чуқурроқ таҳлил этилса, Р. Флорида томонидан тавсифланган “креатив синф” назариясини барча жамиятларга ҳам тадбиқ қилиб бўлмайди. Аслида креатив гуруҳлар жамият аъзоларининг анча кичик гуруҳини ташкил этади. Шундай бўлсада, бундай креатив гуруҳларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар ўз атрофига талантли, ўзига хос фикрловчи, интеллектуал потенциали кучли бўлган кишиларни бирлаштиришлари мумкин. Бундай кишилар эса ўз навбатида креатив ёндашувлар асосида бирлашган ижодий жамоаларни юзага келишида, жамиятда креатив муҳитни яратишда, инновацияларнинг тезроқ тарқалишида муҳим роль ўйнайдилар. Бу ҳодисаларнинг барчаси пировардида жамиятда модернизация жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Россиялик тадқиқотчи Палади А.А. креатив гуруҳ сингари ижтимоий жавобгар бўлган меҳнат етакчилари тўғрисида гапириб, уларни ҳозирги иқтисодий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб шаклланган ва хўжалик юритишнинг барча даражалари ва соҳаларида ўзаро алоқадор бўлган модернизация жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи гуруҳлар сифатида тавсифлайди. А. Паладининг ёндашувича, Етакчилик шахс маданиятининг муҳим элементи ҳисобланади. Р. Флориданинг назариясидан фарқ қилган ҳолда, А.Палади индивид маданияти ва ахлоқини етакчи фаолиятининг муҳим жиҳати сифатида тавсифлайди: “Меҳнат етакчилигининг ижтимоий жавобгар бўлган моделининг назарий асослари етакчиликнинг ижтимоий-маданий жиҳатлари билан боғлиқ. Бундай ёндашув доирасида индивид маданияти етакчиликнинг муҳим характеристикаси ҳисобланади ва унинг фаолиятини ахлоқий тамойилларини белгилайди” [6.159]. Француз олими Режи Дебре қадриятли онгни таҳлил қилувчи ва маълум ғояларни қадриятга айланиб бориш жараёнини тавсифлаб берувчи *медиология* йўналишига асос

солди. Медиология қандай қилиб янги ғоялар моддийликка айлана бориб, ижтимоий ва сиёсий кучга даражасига етишини ўрганади. Унинг фикрича, янги ғояларни, янгиликларни маълум кишилар ва гуруҳлар тарқатади [7].

Ҳозирги кунда постиндустриал жамиятда тарқалаётган инновациялар ахборот тизимлари орқали кишиларнинг қадриятларига айланиб бормокда. Инновацияларга бўлган эҳтиёжлар янгича қадриятларни юзага келтирди. XX аср якунида оммавий коммуникациялар тизими инновациялар асосида замонавий трансмиллий маданиятни шакллантирмокда [8].

Россиялик тадқиқотчи Т.Андрянова университетларни ва ёшларнинг таълим муҳитини креатив гуруҳларнинг асоси сифатида қарайди. Креатив гуруҳлар унинг фикрича, университетларда шаклланади. Университетлар жойлашган шаҳарнинг иқтисодий тараққиёти, маданияти ва бошқа жиҳатларига таъсир этади. Уларда таълим муҳити муҳим роль ўйнайди. Таълим муҳитининг индикаторлари: университетларнинг халқаро интеграцияси, абитуриентларни жалб этиш даражаси, университет ходимлари илмий ишларининг ихтибослик даражаси. [9.111].

Айрим муаллифларнинг фикрича, креативлик, инновациялар шаҳарларнинг қадимий тузилмасини йўқ қилиб, шаҳар маданиятининг ўзига хос жиҳатларини йўқолишига олиб келади. Анчадан бери бу ерда яшаб келган шаҳарликлар ва ёшлар ўртасида маълум конфликтлар юзага келади. Лекин шундай бўлсада, шаҳарлар истиқболида креативлик ва инновациялар марказларига айланиб борадилар [5].

Инновацияларни тарқатувчилар ким бўлишларидан қатъий назар, уларнинг онгида келажак тараққиётини таъминлаш вазифаси бош мезон сифатида акс этиши мақсадга мувофиқдир. “Мамлакатда фуқаролик дунёси ва миллий келишув сиёсатини олиб боришга имкон яратувчи бошқа турдаги ижтимоий онгни ташувчиларнинг ғоялари, қарашлари ва қадриятлари билан кенг мулоқот қобилятини кўрсата олган онгина тарихий истиқболга эга бўлган ижтимоий онг бўла олади. У тарихий истиқболга эга бўлиб,

мамлакатда ижтимоий, маънавий ва мафкуравий бирликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади” [10.47].

Юқорида қайд этилганлар субъектни замонга мослашувчан бўлиш, ўз фаолиятида креативлик, ижодий ёндашув, инновацияларни қўллашга ундайди. Бундай хусусиятларнинг илғор кадриятларга айланиши жамиятда интеллектуал потенциалнинг ривожланишига олиб келади. Креативлик аста секин кишилар фаолиятининг ўзига хос мезонига, замонавий кадриятлар тизимининг муҳим элементига айланиб боради,

Ўзбекистонда модернизация жараёнида инновациялар тараққиёти, инновацион жамиятнинг шаклланиши инновацион онгга, илғор кадриятлар ориентациясига эга бўлган креатив гуруҳлар муҳим роль ўйнашлари мумкин. Улар етакчилик хусусиятларига эга бўлган ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг замонавий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган ва интеллектуал потенциали кучли бўлган креатив фикрловчи шахсларни эргаштира олиши билан инновацион жамият шаклланишига таъсир кўрсата оладилар. Бу ҳақда айрим ўзбек олимлари ўз қарашларини ифода этганлар [11].

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, инновацияларни ижтимоий-тарихий ходиса сифатида қараш мумкин экан. Бундай сифатда инновация жамият тараққиётига, унинг барча соҳаларига таъсир қилиши мумкин бўлган омилдир. Айтиш зарурки, инновацияларнинг ҳам ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирини доим ҳам ижобий, деб бўлмайди. Инновация тўғрисида гапирганда унинг фақат иқтисодий шаклигина назарда тутилмайди. Инновациялар иқтисодий соҳа билан бир қаторда маданий-маънавий, ахлоқий, эстетик соҳаларга, шунингдек кундалик турмуш тарзига ҳам тегишлидир. Айниқса, маданият, маънавият, турмуш тарзи, санъат, ахлоқ соҳаларининг инновацион жараёнларга дуч келиши миллийлик, миллий идентификация. анъаналар билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Россиялик тадқиқотчи Т.Столярова инновацияни ижтимоий феномен сифатида тавсифлаб, қуйидагиларни ёзади: “Маданият соҳасида юз бераётган

инновация жараёнларини назарий жиҳатдан комплекс ўрганилмаганлиги барча инновацияларни жамият томонидан аввалдан оқланишига ва оммавий қўлланилишига олиб келади. Ҳар қандай янгилик икки жиҳатга ижобий ва салбий жиҳатга эга. Ҳар қандай янгилик ҳам инновация бўлавермайди, конструктив ва амалий йўналтирилган янгиликларгина инновация бўлиши мумкин. Яративчулик фаолияти, ижод фақат маънавият орқали амалга ошади” [12.23]. Демак, инновациялар жамият олдига яна бир вазифани, яъни кириб келаётган инновациялар оқимини ва инновацион фаолиятни бошқариш вазифасини қўяди. Айниқса, маданий-маънавий ва ахлоқий соҳаларда инновация ва инновацион фаолиятни бошқариш зарур. Бу борада инновацияларнинг ижтимоий-маданий тўғри йўналганлигини, ижтимоий аҳамиятини мутахассислари ўрганишлари ва объектив баҳолашлари зарур.

Америка олимлари Р. Солнит и С. Шварценберг юқорида номи келтирилган “Хувиллаб қолган шаҳар” асарида инновациялар натижасида шаҳар турмуш тарзининг ўзгаришини, анъаначилар ва новаторлар ўртасида келишмовчилик келиб чиқиши мумкинлигини айтиб, инновацияларнинг ахлоқий жиҳатларини муҳимлигини эътироф этадилар [5].

Аслида ижтимоий-маданий ва маънавий соҳада модернизация жараёнида икки тенденция: бир томондан, миллийлик, анъаналарни барқарор омил сифатида сақлаб қолиш ва иккинчи томондан, янгиликларни жорий этиш, ўзгариш ва инновацияларга интилиш, бирхиллашув, унификация кўзга ташланади. Муаммо бу икки тенденцияни уйғунлаштириш ва маданий-маънавий соҳада модернизация ва инновацияларни миллийлик руҳига мос тарзда йўналтириш билан боғлиқ.

Когай Е.А. модернизация тараққиёт билан бирга бирхиллашув, унификацияга ҳам сабаб бўлишини таъкидлайди ва паллиатив қарорлар, яъни жуда идеал бўлмасада, мураккаб вазиятларда қабул қилиш зарур бўлган қарорларни таъкидлайди. “Шуни назарда тутиш зарурки, фарқларнинг қисман йўқолиб бориши мураккаб тизимлар ривожланишининг қонуний томони. ... Ташкилланган тизимнинг юқори даражасида турли туманликнинг

ўсиши тизимнинг қуйи даражасида турли туманлик чекланганлигининг шарти ҳисобланади” [13.141].

Муаллиф ҳозирги даврда инсон омилини фаоллаштириш муҳимлигини айтиб, инсон, ижтимоий гуруҳларнинг маълум маънода ҳаётий тонуси пасайиб бораётганлигини таъкидлайди. “Биз инсон энергиясининг етишмаслиги ҳолатига (Гумилев терминологиясида пассионарлик) дуч келмоқдамиз. Бугунги кунда ижтимоий гуманитар билимлар соҳасида “инсон потенциали” тушунчаси муҳим тушунчалардан бирига айланиб бораётганлиги бежиз эмас. Жамият ва индивид тараққиётини ана шу потенциални ва инсонни ўзини максимал реализация қилишига йўналтириш зарур” [13.142].

Инсоннинг табиати шундайки, у доимо ўзгаришга, такомиллашишга интилади. Унинг ўзгариши ва янгиликка интилиши табиий. Чунки инсоннинг мақсадлари, ҳаётининг мазмуни, орзулари ва фаолияти ҳам эҳтиёжлари доирасида ўзгариб боради. Аслида ана шундай бўлиши керак. Чунки инсоннинг ўзи ҳам доимо тараққий этиб боргани сари уни ўраб турган ижтимоий маконда мавжуд ҳодисаларнинг қониқтирмаслиги табиий. Демак, инсонни узоқ сақланиши муҳим бўлган бир хил маданият, бир хил қадриятлар, бир сўз билан айтганда, бир хил ижтимоий маданий элементлар ёки ҳодисалар тараққиёт суръатларига мос равишда қониқтирмайди. Миллий маданият, ахлоқ ўз регулятив функцияларини бажара олмай қоладилар. Бу ҳолатни айрим тадқиқотчилар маданият регулятив функциясининг кризисга учраши, деб атайдилар: “ Бу соҳада маданиятнинг регулятив функцияси ва механизмлари самарадорлигини анча пасайганлиги кўзга ташланади. Давлат ва ҳуқуқ институтларидан ташқари ОАВ, мода, реклама, таълим ва тарбия, ижтимоий ташкилотлар, партия каби қадриятли регуляциянинг механизмлари ҳам бир-бири билан ўзаро зиддиятларга кираётганлиги маълум. Булар регулятив тизимларнинг кризисини англатади. Бугунги кунда доимий регулятив функцияни бажарувчи ва узоқ давргача

ижтимоий организмни ҳимоя қилиши мумкин бўлган ижтимоий-маданий механизмлар қолмади, деган хулосага келиш мумкин” [13.142].

Шу нарса кўзга ташланадики, бозор иқтисодиёти шароитида маданият соҳасининг тобора коммерциялашиб бораётганлиги туфайли унинг элементларини рақобатбардошлик хусусияти камайиб, театр, кутубхона, китоб ўқиш каби маданиятнинг ҳақиқий элементлари камайиб бормоқда. Албатта китобдан ахборот қидиргандан кўра телефонда бир зумда масалан, керакли сўзни топиш осон. Уни эслаб қолиш ҳам шарт эмас. Ортиқча меҳнат ҳам талаб қилинмайди. Инсон онги ҳам борган сари ана шундай қулайлик ва енгилликка асосланиб боради. Комформизм, гедонизм жамият турмуш тарзининг асосий хусусиятига айланиб боради. Демак, тизимнинг барқарорлиги бузилади. “Тирик динамик маданият ўзининг креатив ғоялари ва бошқа маданиятдан кириб келаётган ғоялар ва қадриятлар ҳисобига мунтазам модернизацияга учраб туради. Маҳаллий маданиятга унга ёт бўлган шакллар ва ориентацияни киритишга интилишлар унинг барқарорлигини бузиш ва маданий нигилизмга олиб келади. Ижтимоий-маданий миллий потенциални мобилизация қилиш орқали бундай ҳолга қарши чиқиши мумкин” [13.143]. Бундай мобилизациянинг механизмлари ва усулларини ҳар бир миллий маданият, жамият ўзи танлаши лозим, албатта.

Ғарб маданиятининг бузғунчилик жиҳатларини олидини олишнинг йўллари ва механизмларини қидириб топиш модернизация ва инновациялар даврида миллий маданиятни қисман ҳимоя қилиши мумкин. “Ҳар қандай маданиятнинг урф-одатлари, тили, дини, анъаналари каби фундаментал элементларини сақлаб қолиш ва тан олиш миллийгина эмас, глобал муаммо ҳисобланади. Чунки бундай занжирнинг биттагина халқасини узилиши кишилар кундалик ҳаётига энг кўп таъсир кўрсатадиган ижтимоий борлиқнинг қадриятли моҳиятини ва шаклланган маънавий қадриятлар тизимининг бузилишига олиб келади” [14.216].

Жамиятда модернизация ва инновация жараёнлари тўғрисида ўзига хос қарашларга эга бўлган тадқиқотчилардан бири Копенгаген фууурология

институтини бошқарган профессор Ролф Йенсендир. У келажак тараққиёт муаммолари билан шуғулланади ҳамда 100 дан зиёд йирик халқаро компаниялар ва давлат ташкилотларининг маслаҳатчиси ҳисобланади. Унинг “Орзулар жамияти” китоби ноанъанавий қарашларни ифода этади. Унинг фикрича, орзулар жамияти, бу келажак тўғрисидаги назария, уни синаб кўриш ёки текшириб кўриш мумкин эмас. Уни фақат тахмин қилиш мумкин.

Ролф Йенсеннинг фикрича, ҳозирги жамият бу ахборот жамияти, у яна 50 йилча яшайди. Ахборот жамиятининг қуёши сўнмоқда. Кейинги жамият бу орзулар жамияти бўлиб, унда ақл билан бир қаторда эмоциялар ва ҳис туйғулар асосий бўлади. Энди бозорлар ўз товарларида маълум воқеа ва ходисаларни, тарихни ифодалаган ҳолда истеъмолчининг эмоциялари учун курашадилар. Чунки бугунги кунда барча вазифаларни компьютерлар бажариши сабабли инсонга эмоциялар зарур. Инсон яратиши мумкин бўлган нарсаларни компьютер бажариши инсонни инсон сифатидаги моҳиятини ўзгартириб юборади. Инсон мияси томонидан назорат қилиниши мумкин бўлган соҳалар ҳам энди компьютерга бўйсунди [15.67].

Ахборот жамияти мантиқий вазифаларнигина эмас, инсоннинг эмоционал соҳасига кириб бораётганлиги сабабли ҳам яна давом этиши мумкин. “Шундай қилиб, орзулар жамияти олий типдаги жамият ҳисобланади. Аввалги барча жамиятлар моддийлик билан белгиланар эди. Яъни улар товар ишлаб чиқаришга асосланар эдилар. Аграр ёки индустриал жамиятга қайтиш мумкин эмас. Инсон фаровон ҳаётидан ва технологик муваффақиятлардан воз кечишига тўғри келади. ... Орзулар жамияти бир неча минг йилликлар давом этиб келаётган моддий манфаатлар ҳукмронлигига чек қўяди. Шу билан бирга орзулар жамияти постмоддий жамият бўлиб, янги эранинг бошланишини англатади” [15.68].

Келтирилган фикрларда ахборот жамиятида ахборот оқимининг ўта кўплиги ҳамда уни инсон ҳаётини тўла назоратга олганлиги инсоннинг

аклийгина эмас, балки қалбини, ҳиссий дунёсини чеклаб қўйганлиги назарда тутилади.

Кўриниб турибдики, ўрганилаётган масалага ёндашувлар турлича. Уларда модернизация, инновацион жамият шаклланиши ва инновацион онг тараққиётининг маълум жиҳатлари кўрсатилган. Лекин мазкур ёндашувларни бирлаштирувчи умумий фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, улар модернизация жамият такомиллашиб боришининг асоси эканлиги, инновациялар ҳозирда ижтимоий феноменга айланганлиги, инсонлар модернизация ва инновациянинг субъектлари эканлиги сабабли улар бу жараёнларни тўғри акс эттиришлари ва унда фаол иштирок этишлари зарурлиги каби фикрларни ифода этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шаповалов В.Ф. Основы философии современности. К итогам XX века.- М.: Флинта-Наука, 1998.
2. Очерки истории арабской культуры У-ХУ вв. Главная редакция восточной литературы. М.: Наука, 1982.
3. Воронцева Н.Ю. Креативность как основополагающий фактор преодоления интеллектуальной маргинальности современного специалиста в условиях развития инновационного общества.// Вестник философии и социологии Курского государственного университета. 2012. № 2.
- 4.Флорида Р. Креативный класс: люди, которые меняют будущее. – М.: Классика XXI, 2005.
- 5.Solnit R., Schwartzenberg S. Hollow City: The Siege of San Francisco and the Crisis of American Urbanism (New Edition). – 2002.
- 6.Палади А.А. Социально ответственное трудовое лидерство работников современного предприятия.// Вестник Поволжской академии государственной службы. 2009. № 3(20).
- 7.Дебре Р.. Введение в медиологию / пер. с фр. Б. Скуратова. – М.: Праксис, 2010.
- 8.Томпсон Дж. Б. Идеология и современная культура. Критическая социальная теория в эру массовой коммуникации. – М.: ИНФРА, 1992.
- 9.Андриянова Т.В. Идеология креативного класса: новые возможности роста.// Вестник философии и социологии Курского государственного университета. 2015. № 1.
- 10.Леонова О.Г. Вызовы глобализации и актуальные тренды общественного сознания в России XX века.// Социально – гуманитарные знания. 2008, № 1.

- 11.Бегматов А.Инновацион онг ва ижтимоий тараққиёт.// Илмий хабарнома. АДУ. 2015. № 1.
- 12.Столярова Т.А. Инновация как социальный феномен. Автореферат диссертации на соискание кандидата философских наук. М., 2009.
- 13.Когай Е.А. Социокультурные процессы в России: новые вызовы. //Вестник философии и социологии Курского государственного университета..2015. № 1.
- 14.Леонтьева В.Н. Культуротворческий процесс: основания и начала. – Харьков: Консум, 2003.
- 15.Rolf Jensen. Dream Society. Stockholm Sshool of Economics in Saint Petersburg.2004.
- 16.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилишни изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилдир. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.: ”Ўзбекистон” нашриёт-матбаа уйи, 2011.

Тавсия этилаётган адабиётлар:

- 1.Каримов И.К. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2011.
- 2.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.:Маънавият, 2008.116 б.
- 3.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8.Т.:Ўзбекистон, 2000.
- 4.Айтматов Ч., М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг охи-зори.-Т.:Шарқ, 1998.
- 5.Бегматов А. Инновацион онг ва ижтимоий тараққиёт. АДУ Ilmiy xabarnoma. 2015. № 1.
- 6.Бегматов А. Маънавият фалсафаси.2 – китоб.Т.,2006.
- 7.Бессонов Б.Н. Гуманизм и духовное развитие общества. М.:Издательство РАГС, 2006.
- 8.Бестужев-Лада И. Альтернативная цивилизация: актуальность социологического осмысления // Социология на пороге XX! века.-М.,1999;
- 9.Бжезинский З. Великая шахматная доска. М., 1999.
- 10.Библер О. От наукоучения к логике культуры: два философских введения в двадцать первый век. М.: Политиздат, 1991.
- 11.Гадамер Х. Истина и метод. М.: Наука, 1988.
- 12.Ивин А.А.Философия истории.М.:Гардарики, 2000.
- 13.Козловский В.В., Уткин А.И., Федотова В.Г. Модернизация: от рабства к свободе.-Санкт-Петербург.:1995.
- 14.Леонова О.Г. Вызовы глобализации и актуальные тренды общественного сознания в России XX века. Социально – гуманитарные знания. 2008, № 1.
- 15.Ли Е. Творчество как ценность Ҳозирги замон фалсафаси: ҳолати ва тараққиётининг истиқболлари.Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.Т., 2008.
- 16.Манхейм К. Диагноз нашего времени. М., 1994.
- Минюшев Ф.И. Социальная антропология.М.: Международный Университет Бизнеса и Управления. Братья Карич, 1997.
- 17.Мешков М. Глобальное видение и новая наука.-М.,1998
- 18.Митрохин Л.Н. В.С.Степин и проблемы философии культуры. // Вопросы философии. 2004. № 9.
- 19.Модернизация жараёнининг фалсафий – методологик таҳлили. Т.: Noshir, 2010.
- 20.Орлова Э.А.Концепция социокультурного пространства. М., 2002.
- 21.Ортеге-и-Гассет Х. Восстание масс // Ортеге – и -Гассет Х.Дегуманизация искусства и другие работы.-М., 1991.
- 22.Рац М.Диалог в современном мире.//Вопросы философии. 2004,№ 10.
- 23.Сартр Ж.-П.Экзистенциализм - это гуманизм. В кн.Сумерки богов.-М., 1990.

- 24.Скворцов Л.В.Культура самосознания. Человек в поисках истины своего бытия. М.:Издательство политической литературы, 1989.
- 25.Тоффлер Э.Третья волна.М.: АСТ, 1999.
- 26.Философия истории. Под ред. А.С.Панарина. М.: Гардарики, 1999.
- 27.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. Т.,А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
- 28.Шаповалов В.Ф. Основы философии современности. К итогам XX века. М.: Флинта-Наука, 1998.
- 29.Эгамбердиев А. Инновация – инсон амалий фаолиятининг маҳсули Андижон давлат университети. АДУ. Ўлми хабарнома. 2015. № 3.
- 30.Юнусов К. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг модернизациялашуви жаарёни: моҳияти ва амал қилиш хусусиятлари. АДУ. Ўлми хабарнома. 2015. № 1.
- 31.Юлдашева Ф. Глобаллашув ва маънавият. Андижон: Ҳаёт, 2010.
- 32.Юлдашева Ф. Модернизациянинг фалсафий жиҳатлари. АДУ Ўлми хабарнома. 2014. № 4.
- 33.Яковец Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций. Издание 2-е, дополненное и переработанное. М: Экономика, 2003.
- 34.Ғаззолий З..М. Кимёи саодат (“Дил ҳақиқати”).Т.,Камалак, 1995.

Мундарижа

1.Кириш.....	3
2.Модернизациянинг фалсафий жиҳатлари	4
3. Модернизация натижасида инновацион жамият ва инновацион онг шаклланиши	16
4.Модернизация: қадриятлар трансформацияси ва миллий ўзликни англаш	35
5.Модернизация даври ва инсоннинг ўзгариши	51
6.Модернизациянинг субъектлари	66
Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати	83